INV.№ 60999

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

ХАЛҚ СЎЗИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ГАЗЕТАСИ

1999 йил 29 май шанба

Сотувда эркин нархда

№ 106 (2144)

БЕДОР ЎЙ

Эркин тадбиркорлик учун иқтисодий ва ҳуқуқий шарт-шароит яратиш зарур. Кичик ва ўрта бизнесни кенг ривожлантириш учун ҳамма йўлни очиб бериш лозим.

Ислом КАРИМОВ

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг

ҚАРОРИ

Ўзбекистонда жисмоний тарбия ва спортни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида

Жамиятда соғлом турмуш тарзини шакллантириш, касалликларнинг олдини олиш, аҳоли кенг қатламларини, айниқса, ёшларни жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланишга жалб этиш, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш давлат дастури тўғрисида" 1998 йил 10 ноябрдаги Фармонини амалга ошириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси ҳамда тегишли вазирликлар ва идоралар томонидан ишлаб чиқилган Ўзбекистон Республикасида жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш давлат дастури концепцияси ва уни амалга оширишга доир тадбирлар маъқуллансин.

Маълумот учун қабул қилинсинки, республика бюджети ва маҳаллий бюджетлар, спорт федерациялари, клублари, жамиятлари, ҳомийлар, хорижий инвесторлар маблағлари, шунингдек, спорт ташкилотлари томонидан аҳолига пулли хизматлар кўрсатишдан тушган маблағлар Жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш давлат дастурини маблағ билан таъминлашнинг асосий манбалари ҳисобланади.

2. Ўзбекистон Республикаси Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси, Миллий олимпия қўмитаси, Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, бошқа вазирликлар ва идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши, "Камолот", "Соғлом авлод учун", "Маҳалла" жамғармалари билан биргаликда бир ой муддатда:

Жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш давлат дастурини амалга оширишни таъминлаш бўйича аниқ тадбирларни ишлаб чиқсинлар;

ҳар бир туманда қишлоқ спорт-соғломлаштириш клублари ташкил этсинлар, уларнинг фаолиятига спортнинг оммавий, миллий турларини ва халқ ўйинларини кенг жорий қилсинлар;

аҳолининг барча қатламларини жисмоний тарбия-соғломлаштириш ва оммавий-спорт ишларига кенг жалб этишга йўналтирилган мунтазам оммавий-спорт мусобақаларини ташкил қилиш ва ўтказиш тизимини ишлаб чиқсинлар ва амалга оширсинлар;

мамлакат ҳудудидаги барча мавжуд спорт иншоотларини, уларнинг идоравий мансублигидан қатъи назар, хатловдан ўтказсинлар, шунингдек, минтақавий хусусиятларни ҳисобга олган ҳолда, оммавий мусобақаларни мунтазам ўтказиш бўйича аниқ чора-тадбирлар кўрсинлар;

аҳолининг жисмоний тайёргарлиги ва саломатлиги даражасини белгиловчи махсус тестларни ишлаб чиқсинлар ва жорий қилсинлар. Мазкур тестларни муваффақиятли топширганлар учун уч даражали "Алпомиш" ва "Барчиной" нишонларини таъсис этсинлар.

3. Ўзбекистон Республикаси Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси Адлия вазирлиги билан биргаликда, манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан келишган ҳолда, спорт-соғломлаштириш клублари тўғрисидаги намунавий низомни бир ой муддатда ишлаб чиқсин ва тасдиқласин.

Белгилаб қўйилсинки, спорт-соғломлаштириш клублари, жамоат ташкилотлари сифатида, ўз фаолиятини муассисларнинг улушли маблағлари, аъзолик бадаллари, ҳомийлар маблағлари ва қонунчиликка зид бўлмаган бошқа манбалар ҳисобига амалга оширадилар.

4. Ўзбекистон Республикаси Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига:

бир ой муддатда Адлия вазирлиги билан биргаликда "Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида" Ўзбекистон Республикаси Қонунининг янги таҳрирдаги лойиҳасини;

Тошкент шаҳар ҳокимлиги билан биргаликда пойтахтда Республика боксини ривожлантириш марказини ташкил қилиш бўйича икки ой муддатда;

Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги билан биргаликда Тошкент отчопари негизида Республика миллий спорт турларини ривожлантириш марказини ташкил қилиш бўйича икки ой муддатда;

умумхалқ "Спорт байрами"ни таъсис этиш тўғрисида ўн кун муддатда таклифлар киритсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Макроиқтисодиёт ва статистика вазирлиги, Молия вазирлиги Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда ҳар йили ишлаб чиқиладиган инвестиция дастурларида Жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш давлат дастурини амалга оширишга маблағлар лимитларини назарда тутсинлар.

6. Ўзбекистон Телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, бошқа оммавий ахборот воситалари жисмоний тарбия ва спортни, соғлом турмуш тарзини кенг тарғиб қилишни, ўқув юртлари ва меҳнат жамоаларининг спорт клублари, спорт мактаблари, мутахассислар ва мураббийлар фаолиятини ёритишни таъминласинлар.

7. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ҳ.С.Кароматов зиммасига юклансин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси
И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
1999 йил 27 май.





ОҚСАРОЙ ҚАРОРГОҲИДА ҚАБУЛ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 28 май куни Оқсарой қароргоҳида Қозоғистон Бош вазири Нурлан Балгимбаевни қабул қилди.

Учрашувда асосий эътибор ўзаро ҳамкорлик бўйича икки мамлакат ўртасида тузилган ҳукуматлараро комиссия фаолиятига қаратилди. Президент Ислом Каримов мазкур комиссиянинг шу кунларда Тошкентда бўлган йиғилиши натижалари тез орада самара кўрсатишига умид билдирди.

Мулоқот чоғида Ўзбекистон-Қозоғистон муносабатлари, икки давлатнинг турли соҳалар бўйича ҳамкорлик алоқаларига доир, шунингдек, томонларни қизиқтирган бошқа масалалар юзасидан фикр алмашилди.

Учрашувда Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ў.Султонов, Бош вазир ўринбосари Б.Олимжонов, ташқи ишлар вазири А.Комилов иштирок этди.

Қабул маросимида Қозоғистоннинг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси У.Ўзбеков ҳозир бўлди.

(ЎзА)

СУРАТЛАРДА: қабул пайти. А. ТЎРАЕВ олган суратлар.

ҲУЖЖАТЛАР ИМЗОЛАНДИ

Ўзаро ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон-Қозоғистон ҳукуматлараро комиссиясининг мажлиси 28 май куни ўз ишини якунлади.

Икки мамлакат Бош вазирлари раҳбарлигидаги расмий делегациялар Ўзбекистон билан Қозоғистон ўртасида транспорт коммуникацияси, божхона, энергетика ва бошқа соҳалардаги ҳамкорликка доир масалаларни муҳокама қилди. Музокараларда ўзаро алоқалар ривожига халал бераётган муаммолар таҳлил этилиб, уларнинг ечимини топиш борасида фикрлашиб олинди.

Анжуман якунида икки томонлама ҳужжатларни имзолаш маросими бўлди. Жумладан, автомобиль йўлларининг айрим бўлакларидан фойдаланганлик тўғрисида икки мамлакат ҳукуматлари ўртасида 1998 йилнинг 27 мартида қабул қилинган битимга қўшимчалар киритиш тўғрисидаги протокол, Ўзбекистон Республикаси ва Қозоғистон Республикаси ҳукуматлари ўртасида элчихоналар фаолияти билан боғлиқ масалаларни ўзаро тартибга солиш тўғрисидаги Битим ва ҳужжатлар қабул қилинди. Ҳужжатларни Ўзбекистон Бош вазири Ў.Султонов ҳамда Қозоғистон Бош вазири Н.Балгимбаев имзолади.

(ЎзА)

ЁШЛАР ЛИДЕРЛАРИНИНГ ФОРУМИ

Ўзбекистон Фидокорлар миллий демократик партияси жамиятнинг навқирон бўғини, янгича фикрлаб, янгича нафас оладиган, иштиёқли ёшларга таянадиган ва шу ёшлар учун ишлайдиган партиядир. Бугунги кунда партия ўзининг ёшлар бўғинини ташкил этиш ҳаракатида. Шу мақсадда мазкур партия республикамиз бўйича ёшларнинг лидерларини жамлаб, форум ўтказишга қарор қилди. Форум ёшлар олдида турган муаммоларни аниқлабгина қолмай, уларнинг ечимини ҳам топишни асосий мақсад қилиб қўйган. Янгиликларни бевосита жойларда қўллашни ташкил этиш ана шу етакчи ёшлар зиммасидаги вазифадир. Шу мақсадда ёшлар билан ишлаш концепцияси ишлаб чиқилади.

Анжуманни Фидокорлар миллий демократик партияси бош котиби Э.Норбўтаев очиб, етакчи ёшлар олдида турган долзарб вазифалар тўғрисида сўзлади.

Форум иштирокчилари гуруҳларга бўлиниб, "Ёшлар ва қонун", "Ёшлар ва дин", "Ёшлар ва тадбиркорлик", "Ёшлар ва мафкура", "Бугунги ёшларнинг хусусиятлари ва қизиқишлари" бўйича машғулотларга киришдилар. Анжуман давомида уларнинг таклифлари ўрганилиб, улар асосида тавсиялар ишлаб чиқилади. Шу асосда Фидокорлар миллий демократик партияси Ёшлар лидерларининг кенгаши тузилади. Кенгаш ўз дастури асосида иш олиб боради. Дастурда кенг қамровли "Эъзоз" ва "Мурувват" ҳаракатларини ташкил этиш ҳам кўзда тутилган.

Б. МАНСУРОВ,
ЎзА мухбири.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасида корхоналарнинг банкротлиги ва санация масалалари бўйича ҳукумат комиссиясининг мажлиси бўлди. Унда Президент Ислом Каримовнинг Олий Мажлиснинг 14-сессиясида сўзлаган нутқидан келиб чиқадиган банкротлик ҳолати ва хўжалик судлари фаолиятини жадаллаштириш муаммолари кўриб чиқилди. Шунингдек, қўшма корхоналарни инвентаризация қилиш натижалари, санацияга тушган ва тугатилаётган корхоналарнинг материаллари ҳам муҳокама этилди.

ҲУКУМАТ КОМИССИЯСИ МАЖЛИСИ

Мажлисда соҳалар, манфаатдор вазирлик ва идоралар, комиссиянинг ҳудудий бўлинмалари ҳамда бир қанча корхоналарнинг раҳбарлари иштирок этди. Мажлисни Бош вазир ўринбосари, ҳукумат комиссияси раисининг ўринбосари В.Чжен бошқарди.

Комиссия Олий хўжалик суди ва хўжаликларнинг иқтисодий ночорлиги қўмитаси фаолияти ҳақидаги ахборот, айрим соҳаларда қилинган ишлар ҳақидаги ҳисоботларни тинглаб, республикада банкротлик институти ўрнини ошириш жараёни яхши бораётганини қайд этди. Давлат мақлағи иштирокида ташкил қилинган қўшма корхоналарнинг айримларида уларнинг молиявий хўжалик фаолиятини, хорижий сармоядорларнинг низом жамғармаларини шакллантириш борасидаги мажбуриятларини бажариш, молиявий ва технологик инвестицияларни жалб этиш борасидаги фаолияти текширилди. Бизнес-режа ва санация қилиш режаларини экспертиза қилиш бўйича тузилган идоралараро ишчи гуруҳлар мажлисларида санацияга таклиф этилган айрим корхоналардаги аҳвол кўриб чиқилди.

Ҳукумат комиссияси банкротлик институти ўрнини ошириш бўйича амалга оширилаётган ишда йўл қўйилган хатоларга эътиборни қаратиб, бу ишни такомиллаштириш бўйича чора-тадбирлар белгилади. Шунингдек, "Ўзавтотранс", "Ўзбек ипаги", "Ўзбекенгилсаноат", "Ўзэлтехсаноат" ҳамда Тошкент шаҳри ҳокимлигига қарашли соҳа раҳбарлари эътибори ўз ихтиёридаги қўшма корхоналарнинг низом жамғармасини ўз вақтида шакллантирмагани, уларнинг фаолиятини ташкил этмагани ва тугатмаганига қаратилди. Ҳудудий ишчи гуруҳларга тез орада қўшма корхоналар паспортларини янгилаш, таъсисчилар билан ҳамкорликда ўз низом жамғармаларини йиғмаган корхоналар фаолиятини кўриб чиқиб, уларни ё белгиланган тартибда тугатиш, ёки ярим йилдан ортиқ вақт мобайнида фаолият кўрсатмаган, жамғармасида давлат ҳиссаси бўлган қўшма корхоналарни молиявий жиҳатдан соғломлаштириш бўйича чора-тадбирлар таклиф этиш топширилди.

Мажлисда бир қанча корхоналарни соғломлаштириш масалалари ҳам муҳокама этилди. Вазирликлар, идоралар, уюшмалар, корпорация ва концернлар раҳбарларига санациянинг бориши ва корхоналарнинг тугатилиши бўйича ҳар чоракда мониторинг ўтказиш ва бу ишнинг бориши бўйича мунтазам равишда ахборот бериб туриш топширилди. Ҳозир бу жараён заиф кетаётгани, бинобарин, бу масалалар билан шуғулланувчи раҳбарлар масъулиятини ошириш, "Банкротлик ҳақида"ги Қонунни тушунтириш бўйича семинарлар ўтказиш, зарар келтираётган корхоналарни тугатишнинг оддий тартибига амал қилиш, санация ўтказиш ва ишлаб чиқариш объектларини тугатишда эътиборсизликка йўл қўймаслик лозимлиги қайд этилди.

Мажлисда Вазирлар Маҳкамасининг Ахборот-таҳлил бошқармаси бошлиғи Г.Саидова иштирок этди.

(ЎзА)

ТАРАҚҚИЁТ ОМИЛИ

Кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш бугунги кунда мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотларнинг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади. Бу бежиз эмас. Чунки у келгуси тараққиётимизни белгилашда ҳал қилувчи аҳамият касб этади.

XXI аср сари

Буни жаҳон амалиёти ҳам исботлаб турибди. Қолаверса, мазкур соҳанинг афзаллиги шундаки, у иқтисодий жиҳатдан анча тежамли бўлиб, ортиқча сарф-харажатни талаб этмайди. Шунингдек, бу соҳага қўл урган тадбиркор ёки фермер бозорнинг талаб ва эҳтиёжига қараб ўз фаолияти йўналишини тезда ўзгартира олиши мумкин.

Айтиш керакки, республикамизда кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш учун етарли имкониятлар ҳам, ҳуқуқий база ҳам мавжуд. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1998 йил 9 апрелдаги "Хусусий тадбиркорлик, кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришни янада рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони, Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 21 апрелдаги "Ўзбекистон товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палаталарининг фаолиятларини янада такомиллаштириш ҳақида"ги қарори фикримизнинг далилидир.

Бу борада сўнгги йилларда пойтахт вилояти товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси ҳам бирмунча ишларни амалга оширмоқда. Айни пайтда бу палатанинг 18 минг 678 аъзоси бўлиб, улардан 5 минг 75 таси юридик шахслар, 13 минг 603 нафари жисмоний шахслардир.

Палата томонидан чет эл фондлари ҳамкорлигида иш юритиш, бозор инфратузилмасини ривожлантириш, тадбиркорлик тизимлари учун кадрлар тайёрлаш ва қайта тайёрлаш юзасидан бир қатор семинарлар ўтказилди. Айниқса, "Тошкент вилоятида бизнес қилинг", "Маркетинг — бозорни ўрганиш, унда муваффақиятли иш юритиш омили", "Ташқи иқтисодий муносабатларни ўрнатиш босқичлари" каби мавзуларда уюштирилган семинарлар тадбиркорлар учун дастуриламал вазифасини ўтади.

Вилоят товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси чет эл инвестицияларини жалб этишга ҳам алоҳида эътибор бермоқда. Чунончи, Италиянинг "C.S.A. ADRIA IMPEX" фирмаси вакиллари билан пойабзал ишлаб чиқариш, терини қайта ишлаш, озиқ-овқат маҳсулотлари тайёрлаш корхоналарини ташкил этиш юзасидан музокаралар олиб борилди. Ушбу саъй - ҳаракатлар натижасида Юқори Чирчиқ туманида "Титал" қўшма корхонасини барпо этиш режалаштирилди.

Исроилнинг "Ейнаб" фирмаси билан эса вилоятда сутни қайта ишловчи қўшма корхоналар яратишга келишилди.

Маълумки, Ўзбекистон Президентининг юқорида қайд этилган Фармонига мувофиқ, якка тартибда меҳнат фаолияти билан шуғулланувчилар ҳамда патент эгаси сифатида савдо қилувчи тадбиркорларни рўйхатга олиш вазифаси Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси зиммасига юклатилди. Бу ўз навбатида уларнинг ваколат доирасини кенгайтириш билан бирга, масъулиятини ҳам оширди. Бугун ҳар хил сабабларга кўра, рўйхатдан ўтказилган айрим фирмалар ишламаётгани сир эмас. Аммо жойлардаги тегишли идоралар эса бундан бағоят хабар ҳам топмай қолишяпти. Эндиликда палата шундай камчиликларга барҳам бериб, тадбиркорлар ва товар ишлаб чиқарувчиларга ўз қаддиларини тиклаб олиш, эмин-эркин фаолият юритишларига кўмаклашмоқда.

Кичик ва ўрта бизнеснинг ривожида ҳар йили ўтказилаётган танловлар ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда. Шу йилнинг 12 март куни Олмалиқ шаҳрида ташкил этилган "Ташаббус-98" вилоят танловида 21 нафар тадбиркор, 15 нафар фермер ҳамда 21 нафар ҳунарманд иштирок этди. Вилоят миқёсида голиб чиққанлар республика танловига йўлланма олди. Ўзбекистон Президентининг соврини учун "Ташаббус-98" республика кўрик-танловининг якунловчи босқичида эса Оққўрғон туманидаги "Акмал" хусусий фирмасининг раҳбари Раҳимжон Умаров "Энг яхши тадбиркор" деб баҳоланди. У "Нексия" автомобили билан тақдирланди.

Шу билан бирга, палата жойларда тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш истагини билдирган ғайратли, ишбилармон кишиларни қўллаб-қувватламоқда. Асосий мақсад якка тартибда иш юритувчилар сонини кўпайтириш, янги иш ўринларини барпо этишдир.

Туман ва шаҳар палаталари қишлоқ хўжалик корхоналарини ширкат хўжаликларига айлантириш ишига ҳам баҳоли қудрат ҳисса қўшмоқда. Уларнинг ташаббуси билан бу йил 22 та шундай корхонани ширкат хўжалигига айлантириш бўйича 1 миллион 820 минг сўмлик битим тузилди.

Палатанинг "Бизнес-фонд" вилоят бошқармаси билан ҳамкорликда иш юритиши туфайли эса жорий йилнинг ўтган ойлари давомида оилавий кичик бизнесни ривожлантириш учун кредит сўраган 30 нафар кишининг аризаси кўриб чиқилди. Агар улар банк бўлимларида ҳисоб рақамлари очсалар, кредит берилишига қарор қилинди.

Бундай ҳамкорлик тадбиркорлар томонидан олинган кредит маблағларининг мақсадли ишлатилиши мониторингини ўтказишда ҳам қўл келмоқда. Айни чоғда лойиҳа эгаларининг мурожаатларига асосан, кредитлар учун фоиз миқдорларини камайтириш масаласи кўриб чиқилиб, тегишли қарорлар қабул қилинмоқда.

Шу йилнинг 22 март куни вилоят ҳокимлигида палата ташаббуси билан мавжуд қўшма корхоналарнинг экспорт имкониятларини оширишга бағишланган мажлис бўлиб ўтди. Унда банклар томонидан ажратилаётган кредит маблағларининг жуда секинлик билан расмийлаштирилаётгани экспорт имкониятларини оширишда асосий тўсиқ бўлаётгани таъкидланди. Шу боис вилоят товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси ходимлари тегишли бозор тузилмалари мутахассислари иштирокида жойларга чиқиб, бундай камчиликларни бартараф этиш, кредит ресурсларидан мақсадли фойдаланишни мунтазам таҳлил этиш, аниқланган нуқсонларни тузатиш юзасидан зарур чора-тадбирлар кўрмоқдалар.

Президентимиз Олий Мажлиснинг XIV сессиясидаги маърузасида **"Биз иқтисодиёт таркибида кичик, ўрта ва хусусий бизнес муносиб ўрин эгаллашга, керак бўлса, ҳал қилувчи ўринни эгаллашга, яқин икки-уч йил ичида кичик ва хусусий корхоналар сонини икки баробар кўпайтириб, ялпи миллий маҳсулотда уларнинг улушини камида 25 фоизга етказишга эришмоғимиз лозим"**, деб алоҳида таъкидлади. Бу устувор вазифани амалга ошириш палата мутахассисларининг диққат марказида турибди. Улар шу мақсадда қатор тадбирларни ишлаб чиқиб, уни ҳаётга татбиқ қилмоқдалар.

Абдумажид АЗИМОВ.

БУРАМАТУТ ҚИЗЛАРИ

«Бизнес-фонд»нинг Наманган вилоят бошқармаси тадбиркорлик билан шуғулланаётган аёлларнинг чинакам кўмакчисига айланиб қолди. Жамғарма фаолият кўрсата бошлагандан буён хотин-қизларнинг ўзи 37 миллион сўм кредит олиб, ишларини жонлантириб юборишди. Бунинг эвазига жойларда кўплаб кичик корхоналар очилди, минглаб қиз-жувонлар ижтимоий фойдали меҳнатга жалб этилди. Мисол учун, биргина Тўрақўрғон туманининг Бураматут қишлоғида Германиянинг «ПФАФФ-Зингер» концерни билан ҳамкорликда ишга туширилган қўшма корхонада 150 нафар чевар ўзлари тайёрлаган сифатли маҳсулот билан бозорни тўлдиришга муносиб улуш қўшмоқда.

Аёллар йили муносабати билан жорий этилган имтиёзлар жамғарма хизматидан фойдаланувчилар сафини кенгайтирди. Бошқарма йил охиригача тадбиркор аёлларга 17 миллион сўм миқдорида кам фоизли кредит беришни мўлжаллаган.

Қ. НАЖМИДДИНОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

«НАСАФ» — КЕНЖА ГАЗЕТА

Қарши шаҳар ҳокимлигининг газетаси — «Насаф»нинг илк сони ўқувчилар қўлига тегди. Бу «Қадимий Қарши, Ўрта Осиё шаҳарсозлиги ва маданияти тарихи» мавзуидаги халқаро анжуман иш бошлаган кунга тўғри келди. Албатта, бунда қандайдир рамзий маъно бор. Анжуманда иштирок этган олимлар Қарши шаҳрининг ёши 2,5 минг йил эканлиги, қадимда ҳам у «Буюк Ипак йўли»даги обод манзил бўлганлиги ҳақида илмий далиллар келтиришди, ўз мулоҳазаларини билдиришди. Қаршининг келажакда янада ривожланиши учун вилоят ва шаҳар ҳокимлиги хайрли ишларни амалга оширмоқда. «Насаф» эса айнан ана шу мақсадлар йўлида хизмат қилади.

Ўзбекистон Қаҳрамони, шоир Абдулла Орипов газетанинг илк сонида ёзганидек:

«Эй қадим ота юрт —
Насаф — Қаршимсан,
Она заминимсан, аъло аршимсан».

Н. РАВШАНОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

ТЕХНИКАЛАР ЎРИМГА ШАЙ

Навоий вилоятида ташкил этилган ўрим-йиғим техникасини қабул қилиш комиссияси мавсумга тайёргарликнинг бориши билан танишиб, бу соҳадаги ишларга якун ясади. Вилоят хўжаликларида мавжуд бўлган 165 та комбайн, шу жумладан, 25 та КЕЙС агрегати назоратдан ўтказилди. 350 нафар комбайнчи қайта ўқитилиб, аттестациядан ўтказилди. Дон ўрим-йиғими мавсумини уюшқоқлик билан ўтказиш мақсадида механизаторлар ўртасида меҳнат мусобақасини ташкил этиш тўғрисида «Вилоятагромашсервис» бирлашмаси кенгаши билан агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси вилоят қўмитаси раёсатининг қўшма қарори қабул қилинди. Шунга кўра, голиб комбайнчиларга қимматбаҳо совғалар ва касаба уюшмаси ҳисобидан бепул йўлланмалар бериладиган бўлди.

П. ЖУМАЕВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

"КУМУШ ТОЛА" ХИРМОН-ХИРМОН

Бухоро вилояти пиллакорлари маррага етди. Қабул пунктларига икки минг тоннадан зиёд пилла топширилди.

Ҳар қути қурт уруғидан ўртача 50 килограммдан ҳосил етиштирилди. Олот, Когон, Жондор, Ромитан туманларида ҳосилдорлик бундан ҳам юқори бўлди.

Вилоят "кумуш тола" ижодкорлари яна 300 тонна пилла топшириш учун астойдил меҳнат қилмоқдалар. Зеро, кўҳна юрт пиллакорлари билишадики, «кумуш тола»нинг ҳар килограмми она юртимиз ободлиги, эл фаровонлиги учун жуда-жуда зарур. Шу туфайли ҳар куни хирмон-хирмон пилла тўпланмоқда.

Илҳом САФАР,
ЎзА мухбири.

1999 йил — Аёллар йили

КОСОНСОЙ ЧЕВАРЛАРИ

ҳам оила, ҳам давлат хазинасига барака киритаяптилар

Бугун кўпчилик аёллар ўзларини тижоратга ураяптилар. Нима, бу касб бошқаларидан осонми? Йўқ, албатта. Эрталаб зилзамбил сумкани кўтариб бозорга йўл олган, кун давомида бақир-чақирга тўла савдо майдонидан ҳориб-чарчаб, қош қорайганда уйга қайтган, сўнгра оила юмушлари билан шуғулланишга мажбур аёлнинг ҳолатини тасаввур этиш қийин эмас. Лекин тиришқилик, деган гап ҳам бор. Мамлакатимизда уй бекаларини иш билан таъминлашга алоҳида эътибор берилаётгани боиси ҳам шунда.

Хўш, бу борада Косонсой туманида аҳвол қандай? Ҳокимиятдан берилган маълумотларга қараганда, Косонсойда аҳолининг ярмидан кўпроғини аёллар ташкил этар экан. Айни пайтда уларнинг катта қисми қишлоқ хўжалиги, халқ таълими ва маданият, тиббиёт соҳаларида меҳнат қилишади. Аммо ўзига мос иш ахтариб юрганлар ҳам йўқ эмас. Уларни хизмат кўрсатиш соҳаси ва қўл ҳунармандлиги юмушларига жалб этиш туман раҳбарияти ҳамда маҳаллий ўзини ўзи бошқариш идораларининг диққат марказида турибди. Масалан, жорий йилнинг биринчи чорагида 243 нафар хотин-қиз иш билан таъминланди. Бунга санацияга тушган "Испарон" қишлоқ хўжалик корхонасида момиқ сочиқ тўқишга ихтисослаштирилган цех очилганлиги жуда қўл келди. Ҳозир бу ерда 40 нафар аёл харидоргир маҳсулот тайёрламоқда. Туман марказидаги маиший хизмат кўрсатиш жамоа корхонасида ҳам 42 нафар чевар замонавий кийимкечаклар тикиш билан банд.

Косонсой — қадимдан ҳунармандлар маскани. Қайси бир хонадонда бўлманг, палак ёки кўрпа, ёстиқ жилди ёки дўппи тикиш билан машғул аёлларни учратасиз. Мамлакатимизда Чуст дўппиларини мақтаб-мақтаб кийишади. Косонсой гўзаллари тиккан дўппилар ҳам харидоргирликда уларникидан қолишмайди. Бугун туманда мазкур ҳунарни эъзозлаб, бир-биридан чиройли бош кийимлари тайёрлаётган хотин-қизлар сони 1500 нафардан ортиқ. Бундан ташқари, уч жойда очилган сават тўқиш цехларида ишлаётган опа-сингилларимиз ҳам оилалари ризқига барака киритмоқдалар.

Аёлларни қулай иш жойи билан таъминлашда уй меҳнати фабрикасининг алоҳида ўрни бор. У аёлларнинг севимли маскани ҳисобланади. Бу ерда ишлаётган 305 нафар тикувчининг 118 нафари ўз уйида маҳсулот тайёрлаб топшираяпти. "Косонсой-Текмен" қўшма корхонасининг ишга туширилиши, айниқса, қувончли бўлди. Бу ерда айни пайтда 200 га яқин қиз-жувон ип йигириб, газлама тўқимоқда. Ҳадемай, Туркия билан ҳамкорликда очилган бу қўшма корхонада тайёрланаётган матолардан шу ернинг ўзида гилам тўқиш ҳам йўлга қўйилгач, туманда аҳолининг катта қисми яна иш билан таъминланади.

Туманда ўз фаолиятлари билан аллақачон эл эътиборига тушган тадбиркор аёллар ҳам талайгина. Масалан, фермерлик ҳадисини олган Каримахон Бобохонова деҳқончиликда унча-мунча эркакни ортда қолдираётгани, қўли гул чевар Лолахон Орипованинг тўй либослари тикиш бўйича республика танловида совринли ўринни эгаллаганлигини косонсойликлар фахрланиб гапиришади.

Бир сўз билан айтганда, Косонсой аёлига тупроқ тутқазсангиз, олтинга айлантиради, дастгоҳ берсангиз, кўзни яшнатадиган либос тикади, хизмат соҳасини топширсангиз, уни ҳам ўрнига қўяди. Гап фақат уларни иш билан таъминлаш, етарли шарт-шароит яратиб беришда қолган. Туман ҳокимлигининг бугунги сайъ-ҳаракати ҳам айнан шу мақсадга йўналтирилаяпти.

Кудратилла НАЖМИДДИНОВ, "Халқ сўзи" мухбири.

Кўҳна ва ҳамиша навқирон Самарқанд шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Самарқанд вилояти ҳокимлиги ва А. Навоий номидаги давлат университети ҳамкорлигида Аёллар йили муносабати билан «Маънавият, мафкура ва миллий қадриятларнинг кишилар онги ва дунёқарашини шакллантиришдаги роли» мавзуида илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди.

ИЛМИЙ-АМАЛИЙ АНЖУМАН

Самарқанд давлат университетида икки кун давом этган ушбу конференцияда республиканинг кўзга кўринган олимлари, вилоят ва шаҳар маънавият ҳамда маърифат марказларининг раҳбарлари, Президент девони масъул ходимлари иштирок этдилар. Анжуман ўн битта шўъбада иш олиб борди. Шўъба мажлисларида маънавият, мафкура ҳамда миллий қадрият масалалари муҳокама этилди, ўзаро тажриба алмашилди, бу борадаги ишларни янада такомиллаштириш хусусида фикрлар билдирилди. Самарқанд вилоят ҳокимининг ўринбосари Б. Салиеванинг «Кишилар онгини шакллантиришда мафкуранинг роли», фалсафа фанлари доктори К. Назаровнинг «Миллий қадриятлар — ижтимоий тараққиёт ва маънавий камолот омили» мавзусидаги маърузалари анжуман аҳлида яхши таассурот қолдирди.

Анжуман якунида бундай илмий-амалий тадбирларни тез-тез ўтказиб туриш миллий маънавиятимиз равнақи, баркамол авлод тарбияси ва мамлакат истиқлоли учун муҳим аҳамият касб этиши алоҳида таъкидлаб ўтилди.

Г. ЭРГАШХЎЖАЕВА.

Ҳашар

ҲОТАМТОЙ ФЕРМЕР

Бойсун тоғи этакларидаги Деболо, Чулдира, Ҳовуз, Оқсув қишлоқларидан бошланиб, суви Сурхон дарёсига келиб қуйиладиган сойни одамлар "Тентаксой" деб аташади. Номи хунукроқ бўлгани билан (ўзанини соат сайин янгилаб тургани учун шундай номлангандир) сойнинг суви хосиятли: тупроққа малҳам, зироатга дармон, шифобахш.

Бу хосият унга, эҳтимол, сеҳрли Хўжаипок ғоридан оқиб тушаётган каттакон булоқ сувининг қуйилишидандир. Булоқ суви — шифобахш. Шу масканда врач бўлиб ишлаётган Хушбоқ Қаршиевнинг айтишича, сув тери касалликларининг ҳамма турига даво. Хўжаипок жаҳонда ягона олтингугуртли булоққи, сувини тўйиб-тўйиб ичиш мумкин.

Даволанувчиларга ва дам олувчиларга қулайлик бўлсин, деб Олтинсой тумани ҳокимлиги Хўжаипокнинг йўлини ҳашар усулида созлаштирмоқда. Ҳашарга тоғликлар ҳам томошабин бўлиб ўтиришгани йўқ. Хайрли ишга баҳоли қудрат бош қўшишмоқда. Улардан бири — Ҳаким Улашев. Ҳаким ака 65 ёшда. Эскидан фермер, тоғнинг овлоқ гўшаларида қўра тўлдириб мол қилди. Сойнинг қирғоқларини текислаб, арпа-буғдой экди. Мустақиллигимизни кўриб, менинг замоним келди, деб телпагини осмонга отди. Катта фермер деган ном қозонди.

Фермерлик касбимнинг хайрияси деб, кеча-кундуз тинмай ишлаётган йўлсозларга қорамол сўйиб берди. Икки халта буғдой ун берди. Ҳасанжон, Муҳаммаджон деган бульдозерчиларга ўз ҳисобидан бир ойлик иш ҳақи тўлади.

Хўжаипок йўлидаги янги кўприкни бўлса, одамлар "Ҳасан кўприк" деб атаяптилар. Сабаби — кўприкни санаторий қурилиш маъмуриятида ишловчи Ҳасан Норқулов қурган.

Шундай. Оддий одамларнинг ҳам тарихга кириши қийин иш эмас экан.

Олимжон УСАНОВ, "Халқ сўзи" мухбири.

ИСЛОҲОТ — ИНСОН УЧУН

МУЛККА ЭГАЛИК ҲИССИ

Республикамизда «Ер Кодекси», «Фермер хўжалиги тўғрисида»ги, «Деҳкон хўжалиги тўғрисида»ги ва «Кооператив (ширкат) хўжаликлари тўғрисида»ги қонунларнинг қабул қилиниши қишлоқ хўжалиги ислоҳотларини янги поғонага кўтарди.

Чорвачилик хўжаликлари, хусусан, қорақўлчилик жамоа хўжаликларини ислоҳот талабларига тўла жавоб берадиган ишлаб чиқариш усули — ширкат хўжаликларига айлантириш лозимлигини ҳаётнинг ўзи кўрсатди. Ҳозирда туманимиздаги «Конимех» жамоа хўжалиги ана шу усул асосида меҳнат қилмоқда. Биз бу усул орқали кейинчалик ҳар бир чўпоннинг ёки оиланинг ширкат хўжалигида пай улуши кўпайиб боришини рағбатлантириш, қарамоғидаги чорва молларини бутунлай ўзининг мулкига айлантириб бориш йўли билан унга ҳуқуқий шахс мақомини беришга интилаяпмиз. Бу пировард натижада чорвачиликда хусусийлаштириш жараёнини тезлаштиради.

Ширкат хўжалигидаги 380 ширкат аъзосининг барчаси ўтган йилни самарали якунлади. Туман бўйича ҳар юз бош она совлиқдан 104 тадан қўзи олинган бир пайтда хўжаликда бу рақам ўртача 109 тани ташкил этди. Туман бўйича ўстиришга қолдирилган 89 минг бош қўй-қўзининг 22 минг боши ана шу ширкат хўжалиги ҳиссасига тўғри келди. Жорий йилда яна 4 та қорақўлчилик жамоа хўжалигини ширкатларга айлантириш кўзда тутилмоқда.

Туманимизда яйлов қорақўлчилиги билан бир қаторда суғориладиган ерлар ҳам мавжуд. Суғориладиган ерларнинг баҳоси Қизилқумда беқиёс. Бундай жойларда 2 та бўрдоқичилик — «Шўркўл» ва «Чордара» жамоа хўжаликлари, шунингдек, ем-хашак тайёрловчи ва ғалла етиштирувчи хўжаликлар ҳам мавжуд. 1998 йилда 1890 гектар майдонда 6,6 тонна ғалла етиштирилиб, ҳосилдорлик 37 центнерга кўтарилди. Бу эса дон сотиш давлат буюртмаси 136 фоизга уддаланди, демакдир. Жорий йилдан бошлаб туманимиз қишлоқ хўжалиги учун янги соҳа — пахтачиликка қўл урдик. Ҳамид Олимжон номли жамоа хўжалигида 500 гектар ерда пахта етиштирилади.

Маҳсулот етиштирувчи, у чўпонми ёки деҳқонми, меҳнат натижасига тўла эгалик қиладиган бўлса, ҳеч қачон зиёнига ишламайди. Шунинг учун иқтисодий ислоҳотлардаги бош мезон мулкни ҳақиқий эгасига бериш экан, чўпон оилалари асосида хусусий фермерлар ташкил этиш фаолиятимизнинг бундан кейинги мезони бўлиб қолади. Бу фикрим ширкатлар учун ҳам тааллуқли. Мол-мулкка эга бўлган ширкат аъзосидан ҳуқуқий шахс мақомига эга бўлган фермер ташкил этиш ва уларнинг ихтиёри билан фермерлар уюшмасини тузиш маъқулга ўхшайди. Бироқ, ҳозир жамоа хўжалигида оила пудрати усулида ишлаётган чўпонлар, албатта, ширкат тартибини босиб ўтиши шарт. Негаки, ширкатгина мулкка эгалик ҳиссини тарбиялайди, ўргатади.

Фермер хўжаликлари истиқболи ушбу кўрсаткич орқали янада яққолроқ намоён бўлади. Ўтган йили туманимизда 125 та фермер хўжалиги бўлиб улар томонидан 1 минг 200 тонна ғалла етиштирилди. Ҳосилдорлик бир йилда 2 центнерга кўпайди. У. Искандаров, У. Облоқулов, Т. Қўлдошева, М. Шаханов, М. Қодировалар бошлиқ фермер хўжаликларида 50-60 центнердан дон ҳосили олинди.

Чорвачиликда олиб бораётган ислоҳотларимизнинг ўтган давр якунларидан шундай хулоса чиқаришимиз мумкинки, бозор иқтисодиётининг дастлабки даврларида муаммоларнинг тўғри ечимини топа билмадик. Натижада 1995-1996 йилларда чорва моллари бош сонининг камайиб кетишига йўл қўйдик. Ўтган йиллардан тўғри хулоса чиқарган туманимиз меҳнат аҳли ишни давр талаблари асосида тубдан ўзгартиргани сўнгги икки йил ичида кўзга ташланиб қолди. Аввало, республика ҳукуматининг қорақўлчилик соҳасидаги 1998 йил июнь ойидаги қарори тўғри йўлни танлаб олишимизга сабаб бўлди. Ана шу интилишлар самараси ўлароқ, 1997 йилда қорақўл қўйлар бош сони 10 мингга, ўтган йили 20 минг бошга кўпайди. Йил охирига келиб эса 50 миллион сўм соф фойда олинди. Ишлаб чиқариш самарадорлиги бир йилда 30 фоизга етди. Хўжаликларнинг дебитор ва кредитор қарзлари бутунлай узилди.

Маҳсулотни хомашё тарзида сотишдан кўра, ярим тайёр ва тайёр маҳсулотга айлантириб сотиш ислоҳотлар тақдирини ҳал этадиган бош омиллардан биридир. Ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва маҳсулот етиштиришни кўпайтириш билан бир қаторда маҳсулотни қайта ишлашга ҳам эътибор бера бошладик. Тўртта хўжаликда қорақўл тери ошлайдиган, битта хўжаликда эса қорақўл теридан тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқарадиган цехлар ишга туширилди.

Қишлоқда инфратузилмани шакллантириш, олис овулларнинг қиёфасини ўзгартириш ҳам доимий диққат марказимизда бўлмоқда. Жумладан, сўнгги уч йил ичида Конимех шаҳарчаси, Ҳамид Олимжон номли, «Чордара» жамоа хўжалиги аҳоли истиқомат жойлари тўлиқ газлаштирилди. Узунлиги 27 чақирим масофадаги «Дамхўжа-Конимех» йўналиши бўйича тоза ичимлик суви қувурлари тортиш ишлари тугалланди. Туман марказидан 100-120 чақирим масофадаги «Қизилқум» жамоа хўжалиги маркази, Теримқудуқ аҳоли пунктларига табиий газ олиб борилди.

Қизилқумга, хусусан, туманимизга жорий йил баҳори жуда кўп эзгу ишлар силсиласини елкалаб кириб келди. Булар барчаси бизга мустақиллигимиз берган имкониятлар кўламининг янада кенгайиб, одамларда эртанги кунга бўлган ишонч, мустақиллигимизни мустаҳкамлаш борасидаги ташаббусларнинг натижасидир.

Смайил ОСПАНОВ, Конимех тумани ҳокими.






фото репортаж

БУЮРТМАЧИЛАР ИШОНЧИ ОҚЛАНАДИ



Андижон механика заводи фарзанди — Пахтаобод вагон таъмирлаш корхонаси гарчанд ҳали навқирон бўлсада, бу ерда юқори меҳнат натижаларига эришилаяпти. 330 нафар хизматчи ишлаётган корхона жамоасининг шиори буютмачилар ишончини оқлаш, ишни сифатли ва ўз муддатида якунлашдан иборат.

Буютмачилар эса кўп. Аммо корхонанинг энг бош буютмачиси бу "Ўзбекистон темир йўллари" компаниясидир. ЎзА мухбири Шуҳрат Олимовнинг таъкидлашича, корхона аҳли жорий йилнинг биринчи чорагида 150 та юк вагони ва темир йўл жиҳозларини таъмирдан чиқарган.

СУРАТЛАРДА: электрпайвандловчи Соҳибиддин Назаров; корхона цехларида; янги буюртма муҳокамаси.

КЎРИК-ТАНЛОВ

Пойтахтимизнинг Миробод туманида "Йил тарбиячиси-99" кўрик-танлови якунланди. Танлов қатнашчилари ўз касбларига оид саволларга жавоб бериб, эстетик тарбия, болалар учун қизиқарли ўйинлар, байрам дастурларини тайёрлаш, эртак қаҳрамонлари иштирокида театрлаштирилган саҳналар қўйиш ва бошқа қизиқарли тадбирлар ўтказиш бўйича билим ва маҳоратини намойиш этди. 85-болалар боғчаси тарбиячиси Ёркиной Қорабоева голиб деб топилди. Энди у шаҳар кўрик-танловида иштирок этади.

Зуҳра УСМОНОВА, ЎзА мухбири.

ОГОҲЛИК

ТАРБИЯ

Ҳаётда ҳеч нарса беиз кетмайди. Айниқса, фарзанд тарбиясида йўл қўйилган лоқайдлик биз кутмаган фожеаларни келтириб чиқариши мумкин. Ақидапарастлар таъсирига тушган ва қора қилмишлари учун бугун қонун олдида жавоб бераётган андижонлик Даврон Каримов шундай дейди:

— 1997 йил май ойида хоразмлик Ўктам Кўчқоров деган танишим билан Тожикистоннинг Регар туманига пул ишлаб келиш мақсадида боргандик. Аммо баъзи одамларнинг алдовига учраб, Гарм туманига, Жума Намангоний ҳузурига бориб қолдик. У бизни ойига 100 АҚШ доллари тўлаш эвазига Девонасув қишлоғига уй қуришга жўнатди. Кейин билсак, бу уй казарма учун мўлжаллаб қурилаётган экан. Бу ерда бир ойча ишлаганимиздан сўнг, Жума бизга, энди Тавилдарада сабоқ олишингиз керак, деб қолди. Тавилдарада икки ҳафта ўқигач, бу ҳарбий мужоҳидлар тайёрлайдиган база эканлигини англаб қолдим. Бироқ энди уйга қайтиб кетишга кеч бўлган эди...

Давроннинг оёғи тойиб, йўлдан адашиши шундай кечган. Тўғри, унинг онг-шуури заҳарланиши ва шунинг таъсирида нопок йўлга киришида қора ниятли кимсаларнинг бузғунчиликка қаратилган хатти-ҳаракатини ҳеч нарса билан инкор этиб бўлмайди. Аммо бу — масаланинг бир томони. Унинг иккинчи томони эса оила, маҳалла, фарзанд тарбиясига бепарволик билан қараш, унинг тақдири учун қайғуришдаги лоқайдликка бориб тақалмайдими?!

Албатта, Даврон ёки унга ўхшаган айрим ёшлар ақидапарастларнинг таъсирига ўз-ўзидан тушиб қолмаган. Бунинг сабабларини, аввало, улар нафас олаётган муҳит, яъни, оила, маҳалла-кўй ва ниҳоят, мактабдан изласак, кўп нарса ойдин тортади. Бола ота-онанинг етовида ҳаётнинг бағрида қадам ташлайди, шунга қараб унинг онг-шуури шаклланади. Ахир, фарзанд бир ойлаб уйда қорасини кўрсатмай юрса ҳам, шундан юраги безовта тортиб, тинчини йўқотмаган, тағин денг, Тожикистонга пул ишлаб келаман, деб кетаётганда ким билан кетяпсан, қандай қилиб пул топасан, ўзи сенга пул нима учун керак, деб сўрашга ярамаган, аксинча, шунга имкон яратиб берган отани нима деб аташ мумкин?!.

— Уч қиз, бир ўғлим бор, — дейди ҳайдовчи Мирғиёс ака Туропов. — Худога шукр, қизларим уйли-жойли бўлиб кетишди. Ўғлим ўтган ҳафта биринчи маошини олиб келиб, онасига берибди. Бундай ўйлаб қарасам, энди у мустақил одам, қўлида гулдай ҳунари бор, иш жойи тайин, ҳаётда оқ-қорани бемалол ажрата олади. Аммо мен унинг тарбиясини ҳозир ҳам ташлаб қўйганим йўқ. Дўстлари ким, бўш вақтлари нима билан машғул бўлади — ҳамма вақт диққат-эътиборимда туради. Баъзан таниш-билишларим, ёлғиз ўғил бўлса, нега бунча тергайсан, қўй, бундай ўз ҳолига, эркин яшасин, деб қолишади. Тўғри, дейман уларга, у оиламизда ёлғиз ўғил, лекин унинг одоби, ҳаётда тўғри йўлни топиб кетиши мен учун ҳамма нарсадан муҳим. Ўғлим, Худо кўрсатмасин, бир ножўя ишга қўл ургудек бўлса, шунинг лаънати, аввало, менга тегади. Чунки мен унинг отасиман. Ўғлим ўттиз ёшга кирадими, қирқ-қами, мен учун, барибир, у ўғил. Оилада отанинг ўз ўрни бор, ўғилнинг ўз ўрни бор. Шуни ҳеч қачон унутмаслигимиз керак.

Бола худди қушга ўхшайди, у бир марта қўлдан чиқиб кетдими, қайтиб тутиш қийин бўлади. Шунинг учун фарзанд тарбияси сусткашлик ва лоқайдликни кўтармайди, балки у собитлик ва узвийлик билан мунтазам давом эттирилишни тақозо этади. Халқимизда ота оиланинг устуни, деган гап бор. Шунинг баробарида, ота ҳам фарзандни фақат дунёга келтиргани учун эмас, балки унга муносиб тарбия бергани, эл қаторига қўшгани учун шараф ва ҳурматга сазовор бўлади.

Халқимиз азалдан жамоа туйғусига мойил. Бу — бир кишининг манфаати учун кўпчилик қайғуриши, ҳар бир ишда ҳамжиҳат ва ҳамфикр бўлишини билдиради.

Бир болага етти маҳалла ота-она, деган ҳикмат аслида, шу маънони англатади.

— Ўтган йили маҳалламизда ғалати воқеа юз берди, — дейди андижонлик ҳамкасбимиз С. Муталов. — Етмиш ёшни қоралаб қолган бир онахон ёлғиз ўғлию, келини билан яшарди. Беозор, истараси иссиққина аёл эди. Ўғли ҳам мўминқобил, андишали йигит эди. Билмадим, уларнинг оиласига қандай ёмон назар тушди, бир кун денг, ўғил онасини қариялар уйига топшириб келибди. Ишонсангиз агар, бунинг исноди жуда ёмон бўлар экан, ўғли-ку, майли, қилғиликни у қилган, лекин бутун маҳалла йиғлаганича онасининг оёқларига бош уриб, тавба қилди. Маҳалла-кўй деган сўзнинг остида ҳикмат кўп экан...

Бу — бор гап. Шунинг учун қадимдан ота-боболаримиз маҳаллага миллий ўзлигимиз, қадрият ва анъаналаримиз жамланган муқаддас жой деб қарашган, уни ҳамиша ёмон кўз, ёмон назардан асраб-авайлаб келишган. Чунки маҳалла-кўй деганда нафақат қўни-қўшни, балки одамнинг шаъни, ғуруру рози ва кечмиш ҳаёти тушунилган.

— Биз ҳар оқшом телевизор орқали ақидапарастлар таъсирига тушиб қолган, аммо бугун хатоларини англаб етиб, кечирим сўраётган ёшларнинг сўзларини эшитиб бораяпмиз, — дейди қашқадарёлик ўқитувчи Аҳат ака Муқимов. — Президентимизга минг раҳмат, ниҳоятда адолатли йўл тутиб, шу ёшларнинг хатоларини кечирдилар. Халқимизда ҳам адашганни кечир, йиқилганни суя, деган ҳикмат бор. Аммо мени бошқа бир

ТАДБИРКОРЛИК

КАЙФИЯТДА ГАП КЎП...

Бундан уч йил илгари Урганч шаҳридаги «Мебелсервис» жамоа корхонасида атиги уч турдаги маҳсулот — шкаф, каравот ва сандиқ тайёрланарди. 10 нафар дурадгор шу ишни ҳам амал-тақал бажарар, жиҳозларнинг сифатига деярли эътибор берилмасди.

Ёш мутахассис Файрат Ҳожиев корхонани қабул қилиб олар экан, нафақат шаҳарликларга, балки бутун вилоят аҳлига чиройли ва бежирим, нисбатан арзон нархларда мебеллар тайёрлаш зарурлигини жамоа аъзоларига тушунтира билди.

Ана шу масала муҳокама этилган илк йигилишга ишдан бўшаб кетган усталар ҳам таклиф этилганди. Улар ўз таклиф ва мулоҳазаларини ўртага ташладилар.

— Корхона — бизники, унинг қаддини ўзимиз тикламасак, ким келиб кўтариб беради? — деди янги раҳбар. — Ҳамжиҳатликда, бор маҳоратни ишга солиб ишласак, бир-бир ярим йил ичида иқтисодиётимизни ўнглаб оламиз.

Ўша кезлари корхонага 1 миллион сўмлик маҳсулот тайёрлаб бериш учун буюртма тушган эди. Омборда эса 20 куб метрдан зиёд тахта, шунингдек, озроқ фанер, ёғоч чиқиндиларидан тайёрланган материаллар, мих, елим бор эди, холос.

Кайфиятга кўп нарса боғлиқ экан. Иш қизғин бошлаб юборилди. Мавжуд шартнома ишлари тугатилиши арафасида яна уч миллион сўмлик буюртма қабул қилинди.

Шу тариқа корхона бир йил ичида 7,9 миллион сўмлик маҳсулот тайёрлашга эришди. Қарзлардан қутулди. Ишчи-хизматчилар сони уч баробар кўпайди.

Молиявий аҳвол ўнглангач, бу ерда қурама мебеллар, стол-стул, дераза ва ойна рамлари тайёрлаш ҳам йўлга қўйилди.

...Уста Марим Рўзметов эшикларнинг тахталари устки қисмини қизил ёғочдан тайёрланган 1,2 миллиметр қалинликдаги тахтача-шпонлар билан қоплашни таклиф этди. Бунинг натижасида эшиклар гўё яхлит ёғочдан тайёрлангандек бўлди. Шпонлар ўзига хос нақшлар вазифасини ҳам бажарди. Бу ҳол маҳсулотларнинг харидоргирлигини янада оширди. Тез орада қарийб 30 миллион сўмлик маҳсулот сотилди.

Мўмай даромад ҳам кўп нарсани ҳал этаркан. Бир пайтлар ишдан кўнгли совиб юрган Жуманиёз Рўзметов, Соли Иброҳимов, Марим Мадраҳимов сингари қўли гул усталар бугун корхонанинг энг ташаббускор ва фаол аъзоларига айланишди. Улар ясаган мебелларни эндиликда нафақат Урганч, балки вилоятнинг барча туманларидан сўраб келадиган бўлишди.

Бугунги кунда корхонада 86 нафар киши енг шимариб ишлаяпти. Ишлаб чиқариш ҳажми 50 миллион сўмликдан ошиб кетди.

Жамоанинг режалари катта. Йил бошидан икки сменали иш ташкил этилганди. Шунга яраша тайёрланаётган маҳсулот миқдори ҳам икки бараварга ортиши мўлжалланмоқда.

Бир сўз билан айтганда, тадбиркорлик ўз самарасини бера бошлади.

Сотим АВАЗ, «Халқ сўзи» мухбири.

Эркин ва юнон-рум кураши

УЧТА ОЛТИН, ИККИТА КУМУШ




Минглаб ишқибозларга олам-олам қувонч бағишлаётган XIII Осиё чемпионатининг эркин кураш бўйича мусобақалари ниҳоясига етди. Қўлга киритилган медаллар бўйича умумкоманда ҳисобида мамлакатимиз терма жамоаси биринчи ўринни эгаллади. Қозоғистонлик қўшниларимизга иккинчи, эронликларга учинчи ўрин тегди.

Саккизта вазн тоифаси бўйича ўтказилган финал беллашувларининг бештасида вакилларимиз гиламга тушишди. Шулардан ғолиб чиққан учтасига олтин, қолган иккитасига кумуш медаль насиб этди.

54 кг: Мавлон Маъмуров (Қозоғистон) Шимолий кореялик Хан Йонг Дони 7:1 ҳисобида ҳеч қандай қийинчиликсиз мағлуб этиб, ушбу вазн тоифаси бўйича шоҳсупанинг биринчи поғонасини банд қилди. Ҳамюртимиз Адҳам Очиловга учинчи ўрин тегди.

58 кг: ярим финалда терма жамоамиз аъзоси Д. Захардиновни мағлубиятга учратган Ри Йонг Сам (Шимолий Корея) финал беллашувида қирғизистонлик Русланбек Мажиновни ҳам 6:1 ҳисобида доғда қолдириб, олтин медаль эгаси бўлди.



63 кг: мамлакатимизнинг энг истеъдодли эркин курашчиларидан бири Рамиль Исломов барча беллашувларни кўтаринки руҳда ўтказиб, финалга йўлланма олган эди. Ҳал қилувчи учрашувда у эронлик Д. Алиакбар билан гиламга тушди. Рамиль охирги сонияларгача тўхтовсиз кураш олиб борди. Бироқ, омад эронлик спортчига қулиб боқди — 4:1. Р. Исломов эса кумуш медаль билан чекланди.

69 кг: ушбу вазн тоифасида яна бир ватандошимиз Игорь Купеев япониялик Вада Такахиро билан олтин медаль учун гиламга тушиши лозим эди. Аммо кунчиқар мамлакат полвонининг саломатлиги бўлмаганлиги боис ғалаба И. Купеевга берилди.

76 кг: мазкур вазнда дунёнинг энг кучли полвонларидан саналган юртдошимиз Руслан Хинчагов ҳам финалда қирғизистонлик Нурбек Изобековни 8:1 ҳисобида мағлуб этиб, Осиё чемпиони унвонига сазовор бўлди.

85 кг: учинчи олтин медални яна бир вакилимиз Аслан Санакаев қўлга киритди. У ҳал қилувчи беллашувда қозоғистонлик тажрибали полвон Абил Султонбековни 4:0 ҳисобида енгди.

97 кг: ушбу вазнда А. Ҳайдарийга (Эрон) олтин, И. Байрамуковга (Қозоғистон) кумуш ва ўзбекистонлик С. Фраевга бронза медали насиб этди.

130 кг: энг оғир вазндаги финал беллашувига ватандошимиз Г. Кайсинов ва А. Резайи (Эрон) йўлланма олишган эди. Бироқ Георгийнинг олдинги беллашувда жароҳат олгани туфайли олтин медаль ва Осиё чемпиони унвони А. Резайига берилди.

Куни кеча эса эркин курашчилардан эстафетани қабул қилиб олган юнон-рум мусобақаси иштирокчилари ва аёл спортчилар ана шундай қизғин баҳсларга киришдилар.

О. РАЖАБОВ, Н. МУҲАММАДЖОНОВ, (суратлар) «Халқ сўзи» мухбирлари.

СПОРТ СПОРТ СПОРТ

Волейбол: Микаса кубоги



Мамлакатимиз пойтахти Тошкент халқаро миқёсдаги мусобақалар ўтказиладиган ўзига хос марказга айланиб бормоқда, десак ҳеч қандай муболағa бўлмаса керак. Айни кунда бир вақтнинг ўзида ҳам эркин ва юнон-рум кураши бўйича Осиё чемпионати, ҳам волейбол бўйича Микаса кубоги беллашувлари бўлиб ўтаётган бўлса, кейинги ҳафтада «Тошкент-опен» халқаро теннис турнирига старт берилади.

ГЎЗАЛ ҚИЗЛАРНИНГ АЖОЙИБ ҒАЛАБАСИ

Сал олдинроқ ниҳоясига етган кураш бўйича биринчи жаҳон чемпионати эса нафақат ўзбек, балки жаҳон спорти тарихига зарҳал ҳарфлар билан ёзилишига шубҳа йўқ. Энг қувонарлиси, ана шу мусобақаларнинг барчаси жаҳон стандарти талаблари даражасида ташкил этилаётганлигини, унда юртимиз спортчилари оламшумул ғалабаларни қўлга киритаётганликларини хорижий мутахассислар алоҳида таъкидлашаяпти.

Куни кеча республика Мудофаа вазирлиги спорт мажмуига йиғилган томошабинлар ҳам ушбу фикримизнинг гувоҳи бўлишди. Волейболчи қизларимиз Микаса кубоги халқаро турнирининг навбатдаги беллашувида Россия терма жамоаси билан куч синашиб, 3:1 (25:19, 25:17, 24:26, 25:21) ҳисобида ажойиб ғалабани қўлга киритдилар.

Турнир бошланишидан олдин кўпчилик бош соврин учун Япония ва Россия даъвогарлик қилади, деб башорат этишганди. Эпчил қизларимиз ўзларининг ғалабага бўлган иштиёқи, иродаси, интилувчанликлари билан бу тахминларни пучга чиқаришди. Мазкур ўйиндаги муваффақиятда, айниқса, Татьяна Величконинг ҳиссаси катта бўлди. Унинг чап қанотдан берган кучли зарбаларини қайтариш россияликларга жуда оғир кечди.

Шу куни яна бир ўйин — Қирғизистон ва Қозоғистон жамоалари учрашуви ҳам бўлиб ўтди. Унда 3:2 (22:25, 21:25, 25:20, 25:19, 15:8) ҳисобида қирғизистонлик қизларнинг қўли баланд келди.

Кеча кечқурун эса Қирғизистон — Япония, Россия — Қозоғистон жамоалари ўзаро куч синашдилар. Терма жамоамиз вакиллари бугун қозоғистонлик волейболчиларга қарши майдонга тушишади.

Озод БЕК, «Халқ сўзи» мухбири.

ТЕЛЕФОН ЎРНАТАСИЗМИ? МАРҲАМАТ!

Ҳамон бир тоифа кишилар онгида у ёки бу масалани ҳал қилишнинг собиқ тузумдан қолган қусурлари қўникмалигича қолиб келаяпти. У пайтлар қандай бўлар эди? Масалан, бирон арзирли нарсами, танқис озиқ-овқат маҳсулотими — тезроқ керак бўлиб қолса, уни топиб харид қилиш учун, албатта, таниш-билиш излар ёки устига «шапка»сини қўшиб беришга мажбур бўлардик. Бўлмаса, умринг навбат кутишда ўтарди. Бугун эса ҳаёт ўзгарди: марҳамат, бозорга бор, супермаркет дўконига кир, керак нарса пештахтада муҳайё. Фақат пулинг бўлса, бас...

Хонадонингга ёки идорангга телефон ўрнатиш ҳам у пайтларда оғир муаммолардан бири эди. Алоқа корхоналарида телефон ўрнатишнинг ўзига хос тартиби қонунлашиб қолган эди. Яъни, ким олдин ариза берган бўлса, ўша одам аввал телефон олиш ҳуқуқини қўлга киритар эди. Бунинг устига, телефон учун аризани ўтказишнинг ўзи ҳам осон кечмасди.

Бугун эса телефон ўрнатиш учун навбатга қўйиш тартиби эскирди. Бунинг ўрнига, ариза қабул қилинади, рўйхатда қайд этилади, назоратда сақланади. Шаҳарнинг у ёки бу туманида, кўчасида, хонадонида телефон ўрнатишни хоҳловчи киши бўлса, бас, алоқа ходимлари телефон тармоғини кенгайтириш, шунга қаратилган техник имкониятларни яратишга киришмоғи керак. Бу иш режа бўйича ёки алоҳида шахс ва бир гуруҳ аризачилар билан тузилган шартномалар асосида йўлга қўйилади. Нима бўлганида ҳам, маҳаллий телефон тармоғидан фойдаланиш қоидаларига кўра, телефон ўрнатилиши 150 кунлик муддат ичида бажарилиши керак. Абонент қилинган харажатлар сметаси бўйича ҳақ тўлайди, бунинг нархи эса, табиийки, рўйхатга олиниш асосида телефон ўрнатиш тўловидан чўғи бироз баландроқ бўлади.

Ўзбекистонда бундай тартибга бир неча йилдан буён амал қилиб келинмоқда. Айтиш керакки, абонентлар телефон ўрнатишдаги бундай янгиликни оқилона қабул қилмоқдалар — ахир, биз бозор қонуниятлари даврида яшаяпмиз! Тўлов баланд эканлигига чидаса бўлади, ҳар қалай, навбат пойлаш азоби барҳам топаяпти-ку. Тошкент шаҳрида бундан бир йил олдинги маълумотларга кўра, телефон ўрнатишга ариза берганларнинг сони 80 мингдан кўпроқ эди. Уларнинг айримлари 15-20 йиллаб навбат пойлаб келишмоқда эди.

1998 йилда пойтахт телефон тармоқларида бу борада туб ўзгаришлар юз берди.

Энг аввало, навбатда турганларнинг рўйхати қайтадан кўриб чиқилди. Уларнинг деярли ярми ғалвирдан тушиб қолди. Сабаби ҳар хил: биров турар жойини ўзгартирган, бошқаларнинг аризаси турли ҳаётий сабабларга кўра ўз тасдиғини топмади. Қолган аризалар диққат билан ўрганиб чиқилди: имтиёзли шахслар (ногиронлар, уруш қатнашчилари)нинг аризалари алоҳида ажратиб олиниб, уларнинг хонадонларига телефон зудлик билан ўрнатилди. Кейин қолган аризалар, берилган муддатига кўра кўриб чиқилиб, энг узоқ «муддатли»лар навбатдан ташқари телефон оладиган бўлди.

Алоқачилар ўз олдиларига қуйидаги вазифани қўйдилар: 1999-2000 йилларда 5 йилдан ортиқ муддат мобайнида кутаётганларга телефон ўрнатиб берилади. Бу айтишга осон. Аслида, бунинг учун улкан миқдорда моддий ресурслар (кабеллар, симлар, қувурлар ва ҳ.к.) керак. Бироқ пойтахт телефон тармоғида бу муаммони ҳал қилишга бошқача ёндашилди. Бунда корхоналарнинг акциядорлик жамиятларига айлантирилгани алоҳида аҳамият касб этди. Алоқа корхоналарининг жамоаси аъзолари акциялардан муносиб улушларини сотиб олди. Натижада алоқа станцияларини ва йўналиш иншоотларидаги мавжуд техник салоҳиятни тўла-тўкис ишлатиш уларнинг энг ўткир вазифаларига айланди.

«Тошкент шаҳар телефон тармоғи» акциядорлик жамиятининг бош директори С. Аъзамов — тажрибали муҳандис, техника фанлари номзоди, у ўз меҳнат фаолиятини оддий монтёрликдан бошлаган, ҳозирги лавозимни эгаллашга қадар Чилонзор телефон тармоғининг бошлиғи эди. Шу сабабли у телефон ўрнатишни аҳоли ўртасида муаммога айлантирмаслик учун қандай амалий ишлар қилиш зарурлигини яхши билади.

Ташаббускорлик, бир қарашда ўта чигаллиги туфайли тўпланиб қолган масалаларни ҳал қилишга қойил-мақом тадбиркорлик билан ёндаша олиш эвазига у ўз ишида кўпгина ижобий натижаларни қўлга киритди. Телефон ўрнатиш борасида ҳам шундай бўлди. Илк хайрли самараларга 1998 йилнинг ноябрь ойида эришилди. Ўша дамларда акциядорларнинг йиғилишида 5 йилдан ортиқ муддатдан буён хонадонларида телефон ўрнатилишига маҳтал бўлиб келаётган пойтахтимиз фуқаролари аризаларини, албатта, қониқтириш тадбирлари кўрилиши керак, деган фикр қатъий қилиб айтилди. Ташаббусни қўллаб-қувватладилар. Иш бошланди. АЖнинг барча туманлардаги филиалларида иш муддатлари ва тадбирий режалар ишлаб чиқилди, мутахассислардан иборат бригадалар тузилди, пул маблағлари ва зарур жиҳозлар ажратилди. Бундай ташаббускорлик тез орада ўз натижасини кўрсатди: атиги икки ой ичида олдинги ўн ой мобайнида ўрнатилган телефонларга нисбатан икки баравар кўп телефон ўрнатилди. Навбат кутишлар икки баравар қисқарди. Қолган 20 минг аризадан 5 йилдан ортиқ муддатликлари ажратиб олиниб, улардан ҳар бирини амалга ошириш учун сарфланадиган харажатлар ҳисоб-китоб қилинди, телефонларни ўрнатиш муддати — 1999 йил деб белгиланди. Навбатда турган кўпгина кишилар телефон ўрнатиш жараёнида қилинадиган иш ҳажми бўйича шартнома тузиш ва ҳақ тўлаш учун корхоналарга таклиф этилди, навбатда турганларнинг яна анчасидан қайтадан саноқдан ўтиш пайтида телефон ўрнатиш учун талаб қилинадиган маблағнинг маълум бир қисмини тўлаш розилиги олинади.

Пойтахт телефон тармоғи бошқаруви янада далирроқ қадамлар ташлади: яқин икки йил ичида телефон ўрнатиш бўйича мавжуд «қирқдорлик»ни батамом узишга қарор қилинди. Ғарбдаги телекоммуникация фирмалари телефон ўрнатишни атиги бир неча ўн дақиқа ичидаёқ бажара олишини реклама қилмоқдалар. Бизнинг улардан нимамиз кам? — деган савол билан «Тошкент шаҳар телефон тармоғи» акциядорлик жамиятидагилар ўз олдиларига қатъий қилиб қўйдилар. Тўғри, тармоқдаги телефон станцияларида бўш рақамлар ошиб-тошиб ётгани йўқ, йўналиш-кабель иншоотлари ҳам толиққан, бунинг устига, молиявий имкониятлар ўзига яраша. Бироқ, мавжуд имкониятларнинг ўзи энг қисқа муддатларда, айтайлик, 1-3-5 кун орасида телефон ўрнатиш имкони беради. Шу қарордан келиб чиқиб, АТСларда қанча бўш турган рақамлар борлигини, қайси йўналишдаги магистрал ва тақсимловчи кабелларда ишга туширилмаган ўтказгич жуфт симларнинг мавжудлигини, қаерда ва қанча миқдорда «бевосита», озод сиғимлар учрашини аниқлаб чиқиб, ишга киришиш керак, деган хулосага келишди. Яъни одамларга, маълум бир ҳудудларда, айрим туманларда, уйларда (ҳозирча ҳамма ерда эмас!) алоқа корхоналари энг қисқа муддатларда телефон ўрнатиб бера олишини эълон қилиши керак. Матбуотда тез муддатларда телефон ўрнатиб берилиши мумкинлиги тўғрисидаги эълонлар кўзга ташлана бошлади, уларда бундай имконият бор бўлган аниқ кўчалар, мавзелар, уйлар кўрсатилди. Одамлар ҳаракатга келиб қолди. Ва улар ўз ишончларида янглишмадилар — қурблари етган шартлар доирасида ўз хонадонларига телефон ўтказишга эришдилар. Иш эса давом этяпти. Ҳозир, қаердаки техник имконият бўлса, абонентларга ўзлари учун иккинчи телефон ўрнатиш, ёки бор телефонларни алоҳида қилиб олиш, шунингдек, қўшма телефонлар ёнига иккинчи; алоҳида телефон ўрнатиш, яъни «бир яримта» телефонли бўлиш имкониятлари ҳам тавсия қилинмоқда. Бунинг ҳаммаси янги телефон аппарати ўрнатиш пайтидаги тўлов нархларида бажарилади.

Атиги бир кундаёқ телефон ўрнатилишига эришиш бугун орзу бўлмай қолди. Ўз-ўзидан аёнки, бундай тезкорлик техник имкониятларнинг мавжудлиги ва... тўлов миқдорига боғлиқдир. Табиийки, гоят қисқа муддатларда телефон ўрнатиш учун тўлов ҳам юқори бўлади. Қандай тўлов? Ҳозир вақт ўлчами билан боғлиқ бундай тўлов ҳажмини аниқлаш устида корхоналар бош қотирмоқда.

Шу билан бирга, шаҳар телефон тармоғи филиалларида бу тажрибавий тадбир ҳам телефон ўрнатиш хизматини ташкил этишда сўнгги омил эмас, деган фикрга келмоқдалар. Масалан, тармоқнинг Мирзо Улугбек, Чилонзор туманлари филиалларида телефон ўрнатиш бўйича, агар аризалар 1996 йилнинг 1 январигача берилган бўлса, улар жорий йилнинг ўзидаёқ рўёбга чиқарилиши юзасидан зарур чоралар кўрилмоқда. Ва кимгаки, телефон ўрнатилишини янада жадалроқ муддатларда бажаришга зарурият бўлса (айниқса бу хўжалик субъектлари, тижорат тузилмалари, ахборот хизмати, маркетинг ва ҳ.к.), у ҳолда телефонлар саноқли дақиқаларда ўтказиб берилади. Бунда, албатта, техник имкониятларга қаралади.

Бундай қарорларни асло юзаки тушунмаслик керак. Пойтахтнинг телефон тармоғи, бу — гоятда мураккаб, илмий жиҳатдан ҳал қилинадиган техникавий-муҳандислик хўжалигидир. Ва бу ишда кескин бурилишлар қилиш учун чуқур асосли тадбирларни кўриш керак. Ҳозир бундай имкониятлар бор. Тармоқда техник иншоотларни қайта таъмирлаш бўйича катта ишлар қилинаяпти. Мавжуд қувватлардан оқилона фойдаланиш чоралари кўрилмоқда. Рақамли АТСлар ва толали-оптик кабелларнинг энг юқори самарадорлиги учун курашилмоқда. Рақамли АТСлар зинмасига янги, қўшимча хизматлар қўйилмоқда. Хорижий ҳамкорлар билан алоқа кучайтирилмоқда. АЖ маъмурияти фаолияти ўз акцияларига дивиденд олиш иштиёқида юрган корхона акциядорлари жамоасининг мунтазам назорати остида. Бунинг учун эса мавжуд молиявий қийинчиликларни енгиб ўтиш, дебиторлик қарзларни қисқартириш, кредиторлар билан ҳисоб-китобни ўрнига қўйиш, хўжаликнинг барча йўналишларида самарадорлик сезиларли ва яққол кўринишга эришиш шунга мувофиқ равишда уюштириш зарур бўлади. Янгиликлар нафини энг аввало, абонентлар сезмоғи керак. Телефон ўрнатиш борасидаги муаммоларни бартараф қилишга қаратилган фаолият алоқа хизмати ходимларининг пойтахт телефонлари ишини тубдан яхшилашга қаратилган янада улкан ишларининг бошланиши бўлиб қолажак.

А. КУДИНОВ.

ТАЯНЧЛАРИ

нарса ўйлантиради: бугунга қадар мингга яқин ёшлар кечирим сўраб, ҳуқуқ идораларига мурожаат қилибди. Айтмоқчиманки, шу минг нафар бола бир кунда ақидапарастларнинг таъсирига тушиб қолмаган бўлса керак?! Уларни нопок йўлга солиш учун қора ниятли кимсалар, эҳтимол, бир йил, балки кўпроқ вақт ҳаракат қилган. Шундан, наҳотки, ота-она, маҳалла-кўй бехабар қолган бўлса! Тўғриси, мен бунга ишонмайман. Чунки маҳалладаги ҳаёт ҳаммага кафтдагидек кўриниб туради: ким нима иш билан банд, қўшнининг боласи қандай қадам олаяпти — буларни ҳеч кимдан яшириб бўлмайди. Шундай экан, бу ёшларнинг адашишига катталарнинг лоқайдлиги, «менга нима?» қабилида иш тутгани сабаб бўлган. Ҳамма бало мана шу лоқайдлик, ўз қобиғига ўралиб олиб, кун кўришдан келиб чиқади.

Бу фикрларда жон бор. Бугун эскича қараш ва иллатлар барҳам топиб, ҳаёт ўзининг асл қиёфасини топиб бормоқда. Маҳаллага кечаги муносабат билан бугунги эътибор ўртасида ер билан осмонча фарқ бор. Энг муҳими, маҳаллага тарбия ўчоғи, ёшларимиз баркамол авлод бўлиб етишишлари учун энг қулай муҳит, деб қаралмоқда. Шундай экан, нега баъзи маҳаллаларда ёшлар билан ишлаш, уларнинг тарбиясига масъулият билан ёндашиш, келажаги учун юракдан қайғуриш кишини қониқтирмайди?

Ўтган йил Наманган шаҳрида бўлганимизда ақидапарастликка муккасидан кетган ва шунинг оқибатида бегуноҳ одамларнинг қонини тўккан Толиб Мамажонов яшаган маҳалла оқсоқолига шундай савол берганмиз:

— Толиб шу маҳаллада яшаган экан. У ақидапарастликка берилганидан сизларнинг олдинроқ хабарингиз йўқмиди?

— Хабаримиз бор эди. Мен шахсан ўзим Толиб билан икки-уч марта гаплашганман. Бир сафар у ёнида икки-учта ҳамроҳи билан шом пайти масжидга кириб келди. Намозга йиғилганларга қараб: — Бугун шаҳарда жиҳод қиламиз, — деди. Мен унга: — Бу ишинг нотўғри, — дедим.

— Ўша пайтда бунинг олдини олиш учун жиддийроқ чора кўрмадингизми?

— Йўқ, ўзим гаплашдим, шу етади, деб ўйладим. Охири бундай бўлиб чиқиши ўшанда кимнинг хаёлига келибди, дейсиз...

Бу нафақат лоқайдлик, балки икки қадам нарини кўра олмаслик, ўз қобиғига ўралиб олиб, бошқа ҳамма нарсага қўл силташни англатади. Яшириб нима қилдик, мамлакатимизнинг бошқа ҳудудларида шундай маҳаллалар йўқми?

Бор. Ва шунинг туфайли бугун мингга яқин ёшлар ўз қилмишлари учун кечирим сўраб турибди.

Ёшлик ўз номи билан ёшлик, унда оловқалблик, ғайрат-шижоат, ташаббускорлик ва янгиликка интилиш сингари юзлаб ўктам туйғулар мужассам. Шу боис ёшлар катта мақсад, эзгу ва савоб ишлар йўлида тез бирлашади, бошлаб юборилди. Бу, албатта, ҳар биримизни қувонтиради. Бундай улкан бунёдкорликларда ёшларимизнинг ҳам ўз ўринлари бор, албатта. Бироқ гоҳида бозор айланганг, айрим ёшлар сотиб ўтирган нарсаларга кўзинг тушиб, уятдан ер ёрилса, кириб кетай, дейсан. Бари тоғни урса, талқон қиладиган алпқомат йигитлар. Тўғри, улар бозорда осонроқ йўллар билан мўмай даромад топишаётгандир. Ахир, ёшлар катта мақсадлар билан яшаши керак эмасми?

Жўяли фикр. Президентимизнинг шундай сўзлари бор: **«Фарзандларимиз биздан кўра кучли, билимли, доно ва албатта, бахтли бўлишлари шарт».** Бу — ёшлар, уларнинг тарбияси бевосита келажакка дахлдор масала эканлигини, мустақиллик сиёсати моҳият-эътибори билан шундай улуғ мақсадга қаратилганини англатади.

Яқинда бир танишимиз қизиқ фикрни айтиб қолди:

— Мамлакатимизда ҳақиқий бунёдкорлик ишлари мустақилликдан сўнг бошланди. Ҳозир шаҳар айлансанг, ҳар қадамда битта янгиликнинг устидан чиқасан. Қисқа муддат ичида ўнлаб гигант завод-фабрикалар бунёд этилди. Ғузор, Бойсун, Қумқўрғон темир йўли, Қамчиқ довони, Тошкент метрополитенининг янги йўналиши каби мамлакатимиз салоҳиятига салоҳият, қудратига қудрат қўшадиган юзлаб қурилишлар

Ғаффор ҲОТАМОВ, Шодиқул ҲАМРОЕВ.

Учкўприк ип ишлаб чиқариш «ХУМО-УЧ» ҳиссадорлик жамияти акционерлари диққатига!

«Хумо-Уч» ҳиссадорлик жамияти кузатув кенгашининг 1999 йил 18 май санасидаги қарорига биноан, 1999 йил 19 июнь куни соат 10 да Учкўприк тумани Наврўз шоҳкўчаси, 2-уйда жойлашган «Хумо-Уч» ҳиссадорлик жамияти биносида ҳиссадорларнинг 1998 йил якуни бўйича умумий ҳисобот йиғилиши бўлади.

Кун тартиби:

1. *1998 йил якуни бўйича ҳиссадорлик жамияти фаолияти ҳақида ҳисобот.*
2. *Тафтиш комиссияси ҳисоботи.*
3. *Аудитор текшируви хулосасини тасдиқлаш.*
4. *Хар хил масалалар.*



Ҳиссадорлар ва уларнинг вакиллари овоз бериш учун ишонч хати билан келишларини сўраймиз.

Қимматли қоғозлар ҳақида маълумот

1. **Қимматли қоғозлар чиқарилиши ва давлат рўйхатидан ўтказилган санаси ва рақами** - *1994 йил 19 декабрь, N-321.*
2. **Эмиссия рисоласи бўйича ҳиссадорлик жамияти Низом жамғармаси** — *51481000 сўм.*
3. **Бир дона акциянинг номинал қиймати** - *500 сўм.*
4. **Жами чиқарилган акциялар** - *102962 дона.*
5. **Жамият акция пакетлари қуйидагича жойлаштирилган:**

- *Давлат улуши*	25%	12870500 сўм	25741 дона;
- *Меҳнат жамоаси улуши*	20%	10198500 сўм	20397 дона;
- *Эркин сотув улуши*	30%	15541500 сўм	31083 дона;
- *Чет эл инвесторларига*	25%	12870500 сўм	25741 дона.

6. **Акциялар ҳаммаси жойлаштирилган.**

Баланс ҳисоботи

	01.01.1999 йил ҳолатига
Актив қисми бўйича:	
- *асосий воситалар*	62110 минг сўм;
- *уюшма корхоналарига берилган қарзлар*	2320 минг сўм;
- *айланма маблағлар*	77552 минг сўм;
- *дебиторлар*	15828 минг сўм;
жами:	157811 минг сўм.
Пассив қисми бўйича:	
- *устав капитали*	51481 минг сўм;
- *резерв капитали*	15118 минг сўм;
- *тақсимланмаган фойда*	14860 минг сўм;
- *харидорлардан олинган бўнаклар*	39685 минг сўм;
- *кредиторлар*	36667 минг сўм;
жами:	157811 минг сўм.

Кузатув кенгаши.

Т1@1789

ТОШКЕНТ ФАРМАЦЕВТИКА ИНСТИТУТИ

қуйидаги мутахассисликлар бўйича 1999 - 2000 ўқув йили учун аспирантура бўлимига *танлов эълон қилади:*

- 15.00.01 - дорилар технологияси ва фармация ишини ташкил қилиш - 3 та ўрин;
- 15.00.02 - фармацевтик кимё ва фармакогнозия - 3 та ўрин.

Ҳужжатлар танлов эълон қилингандан сўнг бир ой давомида қабул қилинади. Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Ойбек кўчаси, 45-уй.

Телефонлар: 56-37-38, 56-39-54, 152-67-62.

Ф/1798

Ўзбекистон Телерадиокомпаниясининг республика радиоси жамоаси «Тошкент» бош муҳарририяти муҳаррири Малика Расуловага отаси

Тўлқин РАСУЛОВнинг

вафоти муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

«Ўзуйжойжамғармабанк» ДАЖ жамоаси ишлар бошқармаси бошлиғи ўринбосари, банк бошқаруви котиби

Абдуғани АБРАЙҚУЛОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия билдиради.

Ўзбекистон ипакчилик илмий-тадқиқот институти жамоаси «Ўзбек ипаги» уюшмасининг бошқарув раиси Абдуманноп Аҳмадалиевга акаси

Абдувоҳид АҲМАДАЛИЕВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

«Ўзқурилишматериалсавдо» АЖ жамоаси 1-сонли «Комфорт» дўкони мудири Ҳусниддин Асомиддиновга ўғли

Муҳиддин АСОМИДДИНОВнинг

бевақт вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик изҳор этади.

МУҲАББАТ

Иқрор бўлмас аёл, кулади масрур,
Халтасин тўлдириб, уйга чопади.
Фарзандларин суяр — бир дунё сурур,
Тандирда куйманиб нонлар ёпади.

Иқрор бўлмас аёл, ирмоқдай шошар,
Уни чорлаётган манзиллар томон,
Ҳовучлаб-ҳовучлаб гулларни ўпар,
У яна қуёшни қаршилар омон.

Иқрор бўлмас аёл, саломлар йўллар
Суюкли инсонга худди бир таниш,
Китобга кўмилар, шеърлар ўқир жим,
Саҳарларни қутлаб, айлайди хониш.

Иқрор бўлмас аёл, тўқнашса ҳар гал,
Саломга шошилар... гўё қадрдон...
Журъатми, жасорат, ғайратми, ҳайрат,
Ненидир забт этар, ўзи ҳам ҳайрон.

Иқрор бўлмас аёл, бахтли, бахтиёр,
Давраларда шўх-шаън, даврада азим,
Ёлғиз қолганида ойдай эгилар,
Ёлғиз қолганида йиғлайди сим-сим...

* * *

Эҳ, кўнглим-а, эҳ кўнглим-а,
тўлмадинг-а, тўлмадинг,
Очилгил деб ёлбордим, бир гул бўлиб кулмадинг,
Қароғимдан тўкилур, бунча чашминг шашқатор,
Айтгин, жоним, гўзалим, сеп кимга-я шунча зор.

Қара, қара атиргул ниш уряпти напармон,
Баҳор деб кўз очяпти, чекинаяпти-ку армон.
Умр — меҳнат, машаққат, гиёҳда ҳам яшаш бор,
Ҳатто чумолининг ҳам лаҳзасида кураш бор.

Кўнглим кузининг хазони ёпмасин-а изингни,
Руҳинг маъволаридан излаб топ юлдузингни,
Энг сўнгги дам, энг сўнгги нафасда ҳам ўтинчим,
Эшитиб турай, ё раб, чақмоқдек овозингни,

Эҳ, кўнглим-а, эҳ, кўнглим...

Матлуба ДЕҲҚОН қизи.

ГУРУНГ



Маслаҳат

ЎРИК — ЭНГ ЯХШИ МАЛҲАМ

Хитойлик шифокорларнинг тасдиқлашича, ўрик киши соғлиғини мустаҳкамлаб, умрини узайтирар-кан. 100 грамм туршакнинг калорияси 250 грамм янги жигарникига тенгдир. Қони кам бўлган одам ўрикни дори ўрнида ишлатиши мумкин.

ТЕКИН... КРЕМ

Одатда аёллар турли хил кремларни юзларига сур-каб, ўзларини «ёшартиришади». Миср аёллари эса... уларнинг таъкидлашларича, агар юзга мунтазам ра-вишда қум маскаси қилиб турилса, юз териси ёша-раркан, кўз остидаги ва бошқа ажинлар текисланиб, йўқоларкан. Бунинг устига қумнинг текинлигини айт-майсизми.

«ХАЛҚ СЎЗИ»
«НАРОДНОЕ СЛОВО»

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:
Аббосхон УСМОНОВ

Таҳрир ҳайъати:
М. ЕГОРОВ (масъул котиб — «Народное слово»),
А. ЖАББОРОВ,
С. ЗИНИН,
М. МИРАЛИМОВ,
С. МУҲИДДИНОВ (бош муҳаррир ўринбосари — «Халқ сўзи»),
Л. ПАК,
М. САФАРОВ,
Р. ФАРҲОДИЙ,
И. ХУДОЁРОВ,
И. ШОҒУЛОМОВ,
Ў. ҲОШИМОВ.

БЎЛИМЛАР:

Ижтимоий-сиёсий ҳаёт — 133-57-34;
Ҳуқуқ — 136-07-94;
Иқтисодиёт — 136-36-65;
Қишлоқ хўжалиги — 136-37-85
Маънавият ва маърифат — 136-35-60, 132-10-65;
Хатлар — 136-29-89, 133-07-48;
Фан, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий масалалар — 132-12-08;
Халқаро ҳаёт — 132-11-15;
Котибият — 133-10-28;
Эълонлар — 136-09-25.

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 00001
Буюртма Г — 0368, 30695 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2

Газета PENTIUM-II mmx компьютерида терилди ҳамда операторлар Сергей ЛУКИН ва Жамшид ТОҒАЕВ томонидан саҳифаланди.


Навбатчи котиб — Ю. ҲАМИДОВ.
Навбатчи муҳаррир — Н. ТОШЕВ.
Навбатчи — О. РАЖАБОВ.
Мусаҳҳиҳ — Ш. МАШРАББОЕВ.

• МАНЗИЛИМИЗ: 700000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Таҳририятда ҳажми 5 қоғоздан зиёд материаллар қабул қилинмайди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41.

Босишга топшириш вақти — 21.00
топширилди — 22.10
1 2 3 4 5 6



АЛМИСОҚДАН ҚОЛГАН СИР

Буюк одамлар қанчалик ақлли бўлмасин, уларнинг ҳам ўзига яраша хатолари бўлади. Мана, бир мисол: швециялик бир киши ким-ошди савдосида жуда қиммат нархга Наполеон Бонапартнинг шахматини сотиб олди. Бир куни у шахмат доналаридан бирининг бурилиб, очилишини сезиб қолди.

Дона ичида қочиш режаси ёзилган мактуб чиқади. Маълум бўлишича, 1816 йили император дўстларидан бири Наполеон жазо муддатини ўтаётган Муқаддас Елена оролига шахмат юборади. Афсуски, Бонапарт шахмат донасидаги «сир»ни фаҳмламай, қочиш режасини билолмай қолган эди.

Саҳифамизнинг бу галги меҳмони Наманган вилояти, Поп туманидаги Тепақўрғон қишлоғида истиқомат қилади. Исми шарифи Ҳайитбой Эргашев. Ёши 51 да. Инглиз тили бўйича мутахассис. Олий тоифали, ижодкор ўқитувчи. Айни пайтда Низомий номидаги 49-ўрта мактаб директори. Кийинишни, кўринишни оддийгина. Лекин фикрлари, тафаккури салмоқли.

ЎЗИМИЗНИНГ ҲАЙИТБОЙ АКА

Фаол жамоатчи мухбиримиз бўлган Ҳайитбой ака Қўқон педагогика институтини битиргач, ўқитувчи бўлиб ишлай бошлади. Ўз касбини ва болаларни жуда севади. Адабиёт, санъат ва айниқса шоир Анвар Обиджоннинг ашаддий мухлиси. Ўзи ҳам ижод қилиб туради. Унинг болаларга аталган шеърларида Турсунбой Адашбоевнинг, ҳажвий машқларида эса Анвар Обиджон қиёфасини кўргандай бўлаверасиз. Бундан у тақлид қилар экан-да, деган хулоса чиқмаслиги керак. Чунки Ҳайитбой ака улардан кўчириб олмайди, балки ҳавас билан тақлид қиладики, натижада ўзи ҳам ажойиб мисралар битади. Чунончи, унинг «Супер ошиқ» шеъри фикримизнинг далилидир:

Вале ошиқлиги қурсин, мен
аҳдимда туриб қаттиқ,
Акаларин таёғидан алак
тўндек қоқилғонмен.
Яна бир кун жунун ул деб
Челакнинг қозиси ушлаб,
Аларнинг фатвоси бирла
чор бозорда ёқилғонмен.
Нетай, ахир тақдир шул
деб ҳам бўйинга солиб арқон.
Аёл йили, шул аёлга қул қилибон
сотилғонмен.

Қаҳрамонимизнинг кўпларни ҳайрон қолдирадиган яна бир фазилати борки, у ҳам бўлса тиниб-тинчимаслик, бекор юрмасликдир. Аввало, катта бир мактабга раҳбарлик қилиш осон эмас. Ўқитувчиларнинг бошини бир жойга қовуштириш, ўз устларида ишлашга одатлантириш, ўқувчиларни дарсликлар ва ўқув қуроллари билан тўлиқ таъминлаш, ота-оналар билан мулоқотда бўлиш, вилоят ва республика миқёсидаги кўрик-танловларда қатнашиш ундан катта куч-ғайрат талаб этади. Бу орада ижодий ишга ҳам вақт топиш керак. Яна фарзандлар, уй-рўзғор ташвишларим бор. Одамзот темирдан, пўлатдан эмас. Шундай бўлгандан кейин вақти келиб чарчайди-да. Ўшанда у... бу ёғи янаям қизиқ, чарчогини ёзиш учун дутор чертиб, Анвар Обиджон шеърларини хиргойи қилади:

Мушук биби, миёв деди,
Менга қаранг, куёв деди.
Бозорга тез бориб келинг,
Ширин сичқон олиб келинг.

Шунда ҳам хумори ёзилмаса, почасини тиззагача қайириб, пешонасини дурра (оқ чит рўмол) билан танғиганча, елкасида кетмон, далага қараб йўл олади. Кеннойи, 6 нафар фарзандлари қаторида яйраб-яйраб кетмон чопади, сув таратади, хирмон совуради. Оилавий пудрат асосида ишлов бериладиган беш гектар ер уларни ҳам едириб-ичиради, кийинтиради, орзу-ҳавасларини ҳам ерда қолдирмайди, яъни учтўрт сўм орттириб, яхши кунларга атаб сақлаб қўйишади.

— Мен колхозчи оиласида туғилиб ўсганман, — дейди суҳбат асносида Ҳ. Эргашев. — Отам ҳам пахтакор, ҳам гўрков эди. Онам беш ёшимда вафот этиб кетган. (Ҳар икковининг ҳам жойи жаннатда бўлсин). Кейинчалик мактабда ўқиб юрган кезларимда, онамнинг ўрни жуда-жуда билинди. Мактабдан ёки даладан қайтганимизда ўртоқларимнинг онаси дарвоза олдида хавотир билан кутиб олса, эртаси куни иккинчи бир ошнам онам пиширib берди, деб портфелидан кулча нон олиб еса, онаси тикиб берган кўйлак-шимни кўз-кўзлаб кийиб юрса... мен онам йўқлигидан ўксирдим. Тўғри, отам биз учун ҳамма нарсага тайёр эди. Лекин онанинг ўрнини ҳеч ким, ҳатто ота ҳам босолмас экан. Хуллас, болалигимнинг ярми онамни қўмсаб ўкинч билан ўтган. Илк бор ёзган шеърим ҳам онамга бағишланган:

Бевақт ташлаб кетдингиз-ку
бизни, бевақт онажон,
Кўзим тикиб юзингизга нур
олай кўзингиздан.
Сиз кетдингиз бизга бўлди тор,
коронғу кенг жаҳон,
Сизни излаб қайга чопиб,
югурай изингиздан.

Ҳаёт одамларнинг кўнгли билан ҳисоблашмас экан. Ою йиллар гирилаб ўтаверди. Талаба бўлдим. Инглиз тилини жон-жаҳдим билан ўрганишга киришдим. Ўқитувчилар ўзбекча маъруза қилса, мен уни инглизча ёзиб олардим. Бундан беш-олти йил аввал калламга бир ғаройиб фикр келиб қолди. Биласиз, Навоий ғазали билан айтиладиган «Муножот» ўзбекнинг шоҳ қўшиқларидан бири. Шуни инглиз тилига ўгирдим.

Ҳайитбой ака билан истаган мавзуда суҳбатлашиш мумкин. Унинг фикр-мулоҳазалари тош босади, тафаккури бой. Зотан, мустақил юртимиз келажагини шундай фидойиларсиз тасаввур этиб бўлмайди.

Ҳилола НОСИРОВА.

Мулоҳаза

БОШИ БЕРК КЎЧА

Инсон азиз ва мўътабар зот. Февраль воқеаларини қайта-қайта мулоҳаза қилиб, ўзимча ўйга толаман. Юртбошимиз Ўзбекистон ёпларини "Менинг фарзандларим", деди. Айрим оталар ҳатто ўз болаларига ҳам бу қадар эзгуликни раво кўрмайдилар. Нега? Эътибор берган бўлсангиз, катта-кичик йиғилишдами, учрашувдами, хорижга сафар олдидан ёки қайтишдами, Президентимиз кўпроқ ёплар ва уларнинг келажаги ҳақида оталарча ғамхўрлик билан қайғуриб гапирадилар. Бундан чиқадиган маъно шуки, бугун ёшлар тарбиясига, тақдирига бир дақиқа ҳам бепарво, бегам бўлишга ҳаққимиз йўқ. Мен судьяман, баъзан жиноятга қўл урган ёплар "иши"ни қўраётганда ич-ичдан эзиламан. Уларнинг тиканни билатириб босишлари, ёш умрларини хазон қилаётганлари кишида чуқур афсус уйғотади.

Эътиборингизга иккита суд ҳодисасини ҳавола қилайин, ўзингиз хулоса чиқаринг.

* * *

Пул орттирма, дўст орттир, дейишади. Бу ҳақда кўп гапириш мумкин. Зотан дўст яхшиёмон кунларда суянчиқ, маслаҳатгўй, ҳамдард. Пахтакор шаҳрида яшовчи И. Осмонов халқ нақлига амал қилиб, кўпгина ошна-оғайни орттирди. Икром Ражабов дўстларининг энг яхшиси, энг ишончлиси эди. Бутун сирини унга айтарди. Баъзан иккиси "отамлашиб" туришарди ҳам.

Бир куни Икромнинг нияти бузилди. Билса ҳазил, билмаса зил, дея эрта тонгда, ҳеч ким уйқудан бош кўтармаган паллада дўстининг ҳовлисига кирди-да, молхонасидан тўртта қўйни ҳайдаб чиқиб кетди. Йўлда бораркан, "ўлжаси" оздек туюлди, дўстининг ҳовлисига яна қайтиб келди. Ҳеч ким пайқамади-ку, деган хаёлда қўйхонага яқинлашаркан, қутилмаган ҳодисага дуч келди. Салкам бузоқдай келадиган бир қўй отилиб чиқди-да, ўғрини чунонам шохладики, асти қўяверасиз.

Жиноятчи узоққа қочолмади, қўлга тушди, дўстига хиёнати ошкор бўлди. Тиз чўкиб ичган қасамлари ўтмади, қонун устувор келди. Энди у тушларида қўй гўшти еб, тўрт йил умрини қамоқда ўтказиши аниқ.

* * *

Маълумки, мустақиллик туфайли ҳамма ерда ёшларга эътибор ортиб бормоқда. Раҳбарлик лавозимларига ёш, иқтидорли мутахассислар келаётганлиги яхши, албатта. Лекин... Шоли қурмаксиз бўлмас экан. И. Туратов Абдужабборов номли боғдорчилик хўжалиги вино пунктига бошлиқ этиб тайинланганда кўпчилик хурсанд бўлган эди. Одам оласи ичида, деганлари рост экан. Бошлиқ кўп ўтмай "жиғилдон" дардига мубтало бўлди. Давлат хазинасини ўз чўнтаги билан, ишчилар манфаатини шахсий эҳтиёжи билан қориштириб юборди.

Аввалига кичик-кичик "ўмариш"лар қилди. Қарасаки, биров мушугини "пишт" деятгани йўқ. Ўзини дарёдаги балиқдек эркин ҳис эта бошлади. Шартномага асосан Янгийўл вино заводидан олинган 12 тонна спиртнинг бир минг икки юз литрини гумдон қилиб, икки юз олти минг сўмга яқин пулни чўнтагига урди. Камомадни ёпиш учун қалбаки ҳужжатлар "ижод" қилди. Унинг ижоди жамиятга зарарли эканлиги фош этилиб, узоқ муддатга озодликдан маҳрум этилди.

Анвар ХУДОЙҚУЛОВ,
Пахтакор тумани судининг раиси.

Дунё ажойиботлари



ЧУМОЛИНИ ЧАЛҒИТИШОЛМАДИ

Ит ё мушук узоқ-узоқ юртлардан ҳам ўз уйини топиб келиши бугунги кунда ҳеч кимни ҳайратлантирмайди. Бироқ, чумоли...

Туниснинг жанубий-шарқий қисмида зоологлар ғаройиб воқеанинг гувоҳи бўлишди. Улар чумоли ўтини ва юриши мушкул бўлган суньий тўсиқлар ясаб, бир чумолини ипидан 592 метр узоқликка элтиб ташлашди. Ва чумоли ҳаракатини кузатишди. Буни қарангки, чумоли ўта қийин шароитда ҳам ўз инини топиб келди. Яна бир чумоли эса 140 метр узоқликдан ўзидан катта ўлжани инига олиб келган.

ОЧФОТ БАЛИҚЛАР

Пиран — йиртқич балиқлардан бири. У Амазонка дарёси ва унинг ирмоқларида яшайди. Пиранлар ақл бовар қилмас даражада тажовузкор ва мечкайдир.

Бир сафар Стив Бабелл деган киши Жаманшин дарёси (Амазонка ирмоғи) бўйлаб саёҳат қилиб юрган эди, ғаройиб воқеанинг устидан чиқди. Ушанда нимадир бўлди-ю, баҳайбат ҳўкиз дарёнинг саёз жойига йиқилиб тушди. Бироқ ўрнидан турмади. Бабелл яқинроқ бориб қараса, ҳалиги буйвол йўқ эди. Фақат унинг скелети қолган, пираплар эса унинг суякларини гўштидан «тозаламоқда» эди.





Қошларида момосининг ўсмаси бор...

М. АМИН (ЎзА) сурат-лавҳаси.

Қадимги хитой насри

«МУХТАСАР ҲИКОЯЛАР»

Ин ЮН

ДУНФАН ШО ИЗОҲ БЕРАДИ

Император Уди кунлардан бирида ўрмонда сайр қилиб юриб баҳайбат бир дарахтни кўрибди-да, Дунфан Шодан унинг номини сўрабди, у жавоб берибди:

— Унинг номи — гуллаш.

Давлатпаноҳ ҳеч кимга билдирмай дарахтни кесиб ташлашни буюрибди, орадан бир неча йил ўтгандан кейин эса Дунфан Шодан яна дарахтнинг номини сўрабди. У жавоб берибди:

— Унинг номи сўлиш.

Давлатпаноҳ айтибди:

— Нега бунақа муғомбирлик қиласан? Битта дарахтнинг номини ҳар хил айтасан?

Дунфан Шо жавоб берибди:

— Ёши катта отни — от, кичкинасини тойчоқ дейишади. Ёши катта хўроз — хўроз, кичкинаси — жўжа, ёши катта ҳўкиз — ҳўкиз, кичкинаси новвос бўлади. Инсон кичкина гўдак бўлиб туғилади, улғаяди, кейин кексайиб қари бўлади. Аввал гуллаб-яшнаган бўлса, кейин сўлади. Қари нарса йўқ бўлиб кетади — ўрнига навқирон нарса туғилади. Оламда нимаики бўлса, ҳаммаси йўқликка кетиб, сўнг янгидан пайдо бўлади. Шундоқ экан, мангу ўзгармаслик ҳақида нима деб бўлади?

УСТОЗ ВА ШОГИРД

Бир куни ярим кечада Кун Вэньцзюй қўққисдан бетоб бўлиб қолибди. У шогирдига ўт ёқишни буюрибди. Тун жуда зулматли — ҳеч нарсани кўриб бўлмас экан. Шогирди энсаси қотиб, минғирлабди:

— Шунақа ҳам қийин ишни буюрадими одам? Ҳамма ёқ қоп-қора лакдай қоронғи бўлса! Менга чироқ тутиб, чақмоқтошни топишимга ёрдам бермайсизми, кейин ўт ёқишимни талаб қилмайсизми?

Бунга жавобан Кун Вэньцзюй дебди:


— На илож? Модомики, ўзганинг ишини мушкуллаштирган эканман, ўзимни унинг талабларига мосламасдан бошқа чора йўқ!

О. ШАРАФИДДИНОВ таржималари.

Бунга нима дейсиз?

ТЎРТ ОЁҚЛИ ЖЎЖА

Олам ажойиботларга тўла. Мирзаобод туманидаги «Тошкент» ширкатлар уюшмасида истиқомат қилувчи Ҳамид Ражабов хонадонида очирилган жўжалардан бири тўрт оёқли бўлиб чиқди. Бу жўжа юрганда оёқларининг ҳаммаси ҳаракатга келади. Унинг бошқа жўжалардан фарқи — чарчаса бир жуфт оёғини биқинига йиғиб, қолган иккитасида «ўтириб» ухлайди.



А. ДУШАЕВ,
ЎзА мухбири.

АҲОЛИ ВА ТАШКИЛОТЛАР РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

"ЎЗАГРОСУҒУРТА" ДАВЛАТ-АКЦИЯДОРЛИК СУҒУРТА КОМПАНИЯСИ

«АЁЛЛАР ТУҒРУҚХОНАДА ТУҒИШ ПАЙТИДА ЖАРОҲАТ ОЛИШИ ЁКИ ВАФОТ ЭТИШИДАН СУҒУРТАЛАШ»

НИНГ ЯНГИ ТУРИНИ ЖОРИЙ ҚИЛАДИ.



• *Суғурта пулининг миқдори суғурталанувчи билан суғурталовчи ўртасидаги келишувга биноан белгиланади, лекин шартнома тузилаётган пайтда Ўзбекистон Республикасида амал қилаётган энг кам ойлик иш ҳақининг 100 бароваридан кам бўлмаслиги керак.*

Суғурта бадали суғурта пулининг 0,2 фоизидан 0,5 фоизигача бўлиб, йилига бир марта тўланади.

Суғурталанган онадан ташқари туғилаётган бола ҳам бепул суғурталанган ҳисобланади.

«Ўзагросуғурта» DACK нинг барча бўлимларида шартнома тузиш мумкин.

LL@1769

Маълумот учун тел.: 133-34-73.

МУҲАНДИСЛАР ТАКЛИФ ЭТИЛАДИ!

KASANSAY TEKMEN



Жунни қайта ишлайдиган "Косонсой-Текмен" ўзбек-турк қўшма корхонаси юқори малакали қуйидаги мутахассисларни танлов асосида ишга қабул қилади:

• Кимё муҳандиси
• Саноат муҳандиси
• Механика муҳандиси
• Электроника муҳандиси
• Электрчи муҳандис
• Тўқимачилик муҳандиси

Турк ва инглиз тилини билганлар эътиборга олинади.

Ишга киришни хоҳловчилар 1999 йил 20 июнгача 3х4 ҳажмдаги сурат, таржимаи ҳол ва диплом нусхаси билан қуйидаги манзилларга мурожаат қилишлари мумкин:

Фабрика: Наманган вилояти, Косонсой шаҳри, Тел.: (36965) 23355, 24256.

Тошкент офиси: Буюк Турон кўчаси, 41. Тел.: (371) 1333905, 1332975.

1765

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги

ПЕДИАТРИЯ ИЛМИЙ ТЕКШИРИШ ИНСТИТУТИ

танлов эълон қилади:

- докторантурага, «педиатрия» мутахассислиги бўйича - 1;
- аспирантурага, «педиатрия» мутахассислиги бўйича - 2;
- клиник ординатурага, «педиатрия» мутахассислиги бўйича - 2.

Ҳужжатлар институт директори номига, қуйидаги манзилга юборилади: 700179, Тошкент шаҳри, 2-Чимбой кўчаси, Талант тор кўчаси, 3- уй.

®/1785